БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 56 (16.442). | 10 март 1976 йил, чоршанба | Баҳоси 2 тийин.

Барча совет кишилари қатори республикамиз меҳнаткашлари ҳам КПСС XXV съездининг тарихий қарорларидан руҳланган ҳолда ўнинчи беш йиллик—самарадорлик ва сифат беш йиллигида янги марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА— КОММУНИЗМ САРИ

1976 йил 24 февралдан 5 мартгача Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди бўлиб ўтди.

Съезд совет халқи революцион — букёдкорлик ишларининг улуғвор кўлами ва теранлигини, бу ишлар Октябрь ишининг давоми, улуғ Ленин ғояларининг мужассами эканлигини яққол намойиш қилди.

Партиямиз Ленин йўлидан оғишмай олға бораётганлигини съезд тасдиқлади. Партиямиз ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар, бутун халқнинг сиёсий йўлбошчиси ролини муносиб равишда бажариб келмоқда. Халқ партиянинг сиёсатини чуқур тушуниб, уни астойдил қўллаб-қувватламоқда. Социалистик Ватанимизнинг қудрати ўсди. Совет жамиятининг ғоявий-сиёсий бирлиги, мамлакатимиздаги ҳамма халқларнинг қардошларча дўстлиги, уларнинг Коммунистик партия теварагидаги жипслиги янада мустаҳкамланди.

Съездда юздан ортиқ коммунистик ва ишчи партияларнинг, миллий-демократик партиялар ҳамда ҳаракатларнинг намояндалари ҳозир бўлдилар. Уларнинг совет коммунистлари олий анжумани ишида иштирок этиши бизнинг партиямиз билан халқлар тинчлиги ва озодлиги йўлидаги, социал тараққиёт йўлидаги кураш жаҳоншумул фронти қатнашчилари ҳамма отрядларини бирлаштириб турган интернационализмнинг ҳаётбахш ғояларини янада кенгайиб, мустаҳкамланиб бораётганлигини намойиш қилиб кўрсатди.

XXV съезд КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги докладини тинглаб, муҳокама қилди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида Ватанимиз иқтисодий ва социал-сиёсий ривожининг якунлари, дунёдаги ҳозирги аҳвол, партиянинг сиёсий, ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий иши ғоят атрофлича анализ қилиб берилди. Унда СССРда коммунизм қурилишини янада давом эттиришнинг улуғвор программаси баён этилди, КПСС ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Бу — марксизм-ленинизм назарияси ижодий ривожлантирувчи, коммунистларни, барча меҳнаткашларни ижтимоий ривожланиш истиқболлари тўғрисидаги чуқур тушунча билан қуроллантирувчи жуда катта аҳамиятга молик ҳужжатдир.

Съезд делегатлари, бутун партия ва халқ КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладини зўр завқ-шавқ билан кутиб олдилар. Съезднинг қуйидаги Резолюцияси уларнинг коллектив иродасини ифода этди:

«1. Партия Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолияти тўла-тўкис маъқуллансин.

2. КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот доклади маъқуллансин ҳамда барча партия ташкилотларига ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладида илгари сурилган қонда ва вазифаларга ўз ишларида амал қилиш таклиф этилсин».

Съезд «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини бир овоздан тасдиқлади. Бу масала юзасидан СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин доклад қилди.

Съезд «Империализм ва реакция маҳбусларига озодлик!» деган Баёнот чиқарди.

Съезд партиянинг рахбар органларини якдиллик билан сайлади.

Улуғ совет халқи жонажон партиянинг съездини зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда кутиб олди. Белоён Ватанимизнинг ҳамма жойларида бўлиб ўтаётган митинглар ва йиғилишларда, кетма-кет келиб турган табрик хатларида, съезд шарафига ўтказилган меҳнат вахтасида эришилган муваффақиятларда, совет кишилари ўзларининг ватанпарварлик ҳис-туйғуларини, партияга бўлган меҳр-муҳаббат ва чексиз ишончларини, партия Марказий Комитетининг, матонатли ленинчи, замонамизнинг атоқли сиёсий арбоби, тинчлик учун толмас курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг самарали фаолиятини тўла-тўкис маъқуллаётганликларини янги куч билан изҳор этмоқдалар.

КПСС XXIV съездидан кейин ўтган беш йил мобайнида Совет Иттифоқи коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда янги марраларга эришди. Тўққизинчи беш йиллик нинг умумий якунларига баҳо берилаётган бўлса, унинг бош якуни шундан иборат бўлдики, совет халқининг фидокорона меҳнати, партиянинг раҳнамолик роли халқ хўжалигининг барқарор ўсишини, белгиланган социал-иқтисодий вазифалар муваффақиятли бажарилишини таъминлади.

Саноат маҳсулотини абсолют кўпайтириш, капитал маблағ сарфлаш, давлатнинг халқ фаровонлигини ошириш тадбирларига қилган чиқимлари жиҳатидан тўққизинчи беш йиллик мамлакат тарихидаги энг яхши беш йиллик бўлди.

«...Иқтисодий ривожланишимизнинг йўналиши ва характери КПСС XXIV съездининг принципиал йўл-йўриқларига ва Директивларига тўла-тўкис мувофиқ бўлди — деди ўртоқ Л. И. Брежнев. — Тўққизинчи беш йилликда Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этишда, халқнинг турмуш даражасини оширишда, мамлакат хавфсизлигини таъминлашда янги катта қадам қўйилди. XXIV ва XXV съездлар ўртасидаги даврда партия иқтисодий фаолиятининг сиёсий якуни ана шундайдир. Совет кишилари қаҳрамонона меҳнатининг бош натижаси ана шундайдир».

КПСС XXV съезди ривожланган социалистик жамият шароитидаги партия иқтисодий сиёсатининг принципиал йўл-йўриқларини келгуси беш йилликка ва анча узоқ истиқболга мўлжаллаб конкретлаштириб ва ривожлантириб берди. Ўзининг бош вазифалари жиҳатидан, хўжалик фаолиятининг асосий йўналишлари жиҳатидан тўққизинчи беш йиллик планларини яхлит бир план дейиш мумкин. Бу ўринда гап партия иқтисодий сиёсатининг узоқ муддатга мўлжалланган йўналиши тўғрисида бораётир, бу йўналишни биз, В. И. Ленин таъбири билан айтганда, «ишимизнинг, сиёсатимизнинг, тактикамизнинг, стратегиямизнинг умумий плани...» деб биламиз.

Халқ фаровонлигини муттасил юксалтириш — партиянинг олий мақсадидир. Унинг шу мақсадга эгалувчи иқтисодий стратегияси ижтимоий ишлаб чиқаришни узлуксиз ва пропорционал ривожлантиришдан, унинг самарадорлигини оширишдан, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдан, меҳнат унумдорлигини ўстиришдан, халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларидаги иш сифатини ҳар тарафлама яхшилашдан иборат. Шуларнинг, ҳаммаси ўнинчи беш йилликнинг бош вазифасида ифодалаб берилган. Айни вақтда мамлакат экономикасини 1990 йилгача бўлган истиқболда ривожлантиришнинг асосий йўл-йўриқлари ишлаб чиқилмоқда. Маълумки, 1976—1990 йилларда мамлакат шундан аввалги ўн беш йил мобайнида бўлганидан тахминан икки баравар кўп моддий ва молиявий ресурсларга эга бўлади. Шундай қилиб, партия Программасида, сўнгги съездларда ўртага қўйилган асосий социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун янги имкониятлар вужудга келади. Бу гап, аввало, совет кишиларининг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилашга, уларнинг маданий даражасини оширишга, янги инсонни, ҳар томонлама камол топган шахсни вояга етказишга, социалистик турмуш тарзини такомиллаштиришга имкон берадиган ҳамма омилларга тааллуқлидир.

Ўнинчи беш йилликда ўртага қўйилган кенг социал программада ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини 16-18 процент, колхозчиларнинг жамоат хўжалигидан оладиган даромадларини 24-27 процент ошириш, ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан бериладиган тўловлар ва имтиёзларни 28-30 процент кўпайтириш кўзда тутилган. 545-550 миллион квадрат метр янги уй-жой қурилади. Соғлиқни сақлаш, халқ маорифи ва маданиятни янада ривожлантириш соҳасида бир қанча тадбирлар амалга оширилади.

Мамлакатнинг иқтисодий қудратини муттасил ошириш, ишлаб чиқариш фондларини кенгайтириш ва тубдан янгилаш, экономикамизнинг пойдевори бўлмиш оғир саноатни муттасил, балансли равишда ўстиришни таъминлаш партия иқтисодий стратегиясининг ўзаги бўлиб, бу нарса ўнинчи беш йилликда ҳам, анча узоқ келажакда ҳам ўз ифодасини топа беради. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш яхшиланади, Сибирь, Шимол, Ўрта Осиё, Узоқ Шарқ районларини бундан буён ҳам ўзлаштириш кўзда тутилади.

Меҳнат унумдорлигининг тез ўсиши, бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг кескин ошиши мамлакат олдида турган хилма-хил иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишнинг муваффақиятини таъминлаб беради. Самарадорликка зўр бериш — бутун иқтисодий стратегиямизнинг энг муҳим таркибий қисмидир. Янги беш йиллик — самарадорлик ва сифат беш йиллигидир. Шу билан бирга партия миқдорий ўсишни ҳам эсдан чиқараётгани йўқ. Миллий даромадни 1980 йилга борий 457,5 миллиард сўмга етказиш, яъни 96 миллиард сўм миқдорида кўпайтириш планлаштирилмоқда. Саноат маҳсулоти деярли 197 миллиард сўмлик миқдорда кўпайиб, 720 миллиард сўмликдан ортиб кетади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш саноат маҳсулотини кўпайтиришнинг тахминан 90 процентини, қишлоқ хўжалиги ва қурилишдаги маҳсулотни кўпайтиришнинг ҳаммасини таъминлаб бериши лозим.

Съездда шу муносабат билан планлаштириш, хўжалик фаолияти соҳасидаги камчиликлар, ҳал этилмаган проблемалар таъкидлаб ўтилди. Ишлаб чиқариш қувватларининг бир қисми муддатида ишга туширилмади ёки ўзлаштирилмади. Айрим тармоқларда фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш танг аҳволда турибди. Иш вақтининг зое кетиши, бекор туриб қолишлар, бир маромда ишламаслик, меҳнат ва технология интизомининг бўшлиги, бир қанча корхоналарда кадрлар қўпмаслигининг кўплиги айниқса чидаб бўлмас бир ҳолдир. Моддий ва молиявий ресурслардан янада тежаб-тергаб фойдаланиш зарур. Биз ўзимиз учун энг азиз бўлган Ватанимиз бойлиги ва қудратини деб, халқ фаровонлиги ва равнақини деб тежашимиз лозим.

Янги беш йилликда халқ хўжалигига сарфлаш 630 миллиард сўм ёки ўтган беш йилликдагига қараганда 24-26 процент кўп ҳажмда капитал маблағ сарфланади. Айни вақтда моддий ва молиявий ресурслар биринчи галда ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга ишлатилади.

Ҳаммаё беш йиллик планлар каби ўнинчи беш йиллик план ҳам улуғ социалистик Ватанимизни ташкил этувчи ҳамма республикалар, миллатлар ва элатларни ривожлантириш программаси бўлади. Бутун мамлакат доирасида таркиб топган яхлит хўжалик организми — СССР халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигининг мустаҳкам моддий негизидир.

Съезд экономикани ривожлантиришнинг ҳозирги босқичдаги энг асосий проблемаларини белгилаб берди. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш бу проблемаларнинг биринчи навбатдагисидир. Партия шунга асосланиб иш тутадики, социализм шароитидагина фан-техника революцияси инсон ва жамият манфаатларига мос келадиган тўғри йўналиш касб этади. Ўз навбатида фан ва техникани жадал ривожлантириш асосидагина социал революциянинг пировард вазифалари ҳал этилиши — коммунистик жамият қурилиши мумкин.

Ватанимизнинг илмий-техникавий потенциали муттасил ўсмоқда, аммо фундаментал фанни ривожлантириш учун ҳам, шунингдек илмий ғояларни амалий жиҳатдан жорий этиб, тарихий аҳамиятга эга бўлган жараёнга ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳамма қатнашчиларини, хўжалик механизмининг ҳамма бўғинларини жалб этиш учун ҳам ҳали кўп иш қилиниши керак.

Беш йилликда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни сифат жиҳатидан янада ўзгартириш вазифаси ўртага қўйилмоқда. Бу тармоққа сарфланадиган капитал маблағ 172 миллиард сўмга етади ёки ўтган беш йилликка нисбатан 41 миллиард сўм кўпаяди, бу маблағларнинг аксарияти асосий соҳаларга — қишлоқ хўжалигини механизациялаш, мелиорациялаш ва химиялашга ишлатилади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамлана борган сайин унинг самарадорлигини ошириш, ҳамма сифат кўрсаткичларини яхшилаш, шу тариқа моддий ресурсларнинг энг кўп самара беришини таъминлаш, колхоз ва совхозларнинг ички резервларидан яхшироқ фойдаланиш вазифаси кўндаланг бўлиб қолмоқда. Хўжаликлараро кооперация ва аграр-саноат интеграцияси негизида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш давом эттирилади. Партия қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришни жуда муҳим умумдавлат, умумхалқ вазифаси деб билади.

Съезд халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни ҳар томонлама кўпайтириш ва сифатини ошириш, савдо-сотиқни ҳамда меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Энг муҳим хўжалик проблемалари орасида ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш тобора каттароқ аҳамият касб этмоқда. Бизнинг мамлакатимиз қардош мамлакатлар ҳамдўстлигининг қудрати ва жипслигини мустаҳкамлайдиган социалистик иқтисодий интеграцияда актив қатнашмоқда. ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтирмоқда, бу эса шу мамлакатларнинг экономикаси ва ижтимоий турмушини прогрессив негизларда қайта қуришни осонлаштирмоқда. Капиталистик давлатлар билан иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалар тинч-тотув яшаш сиёсатининг моддий базасини мустаҳкамламоқда ва кенгайтирмоқда.

Ленининг тўғри сиёсат, тўғри йўл ишлаб чиқилгандан кейин, ишнинг муваффақияти, аввало, ишларни ташкил этишга боғлиқ бўлиб қолади, деган йўл-йўриғига амал қилиб, съезд экономикани бошқариш масалаларига катта эътибор берди. Аввало, планлаштиришни жиддий равишда такомиллаштиришни таъминлаш зарур, бу эса куч ва ресурсларни энг муҳим умумдавлат программаларини бажаришга жамлашни, тармоқ ва территориал ривожланишни, перспектив ва жорий проблемаларни янада омилкорлик билан қўшиб олиб боришни, экономиканинг балансли бўлишини таъминлашни тақозо этади. Бошқарув фаолияти халқ хўжалигининг юксак пировард натижаларига эришишни кўзлаши лозим. Иккинчи йўналиш эса иқтисодий стимуллар ва омиллардан янада моҳирона фойдаланиш, министрликлар, бирлашмалар ва корхоналар ишига, аввало бу ишнинг самарадорлиги ва сифатига баҳо бериш учун асос қилиб олинадиган кўрсаткичлар системасини такомиллаштиришдан иборатдир. Демократик централизм принципи асосида ташкилий структурани ва бошқариш методларини яхшилаш муҳимдир.

КПСС социалистик жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини ривожлантиришга марксча-ленинча сиёсий раҳбарлик қилишни амалга ошира бориб, ўз сафларини ғоявий жиҳатдан қуроллантириш тўғрисида, бу сафларнинг ташкилий бирлигини мустаҳкамлаш ҳақида, партиявий иш формалари ва методларини такомиллаштириш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилмоқда. XXV съезд партия сафлари кейинги йилларда анча ўсганлигини, унинг сифат состави яхшиланганлигини қайд этди. КПСС бутун халқнинг партияси бўлиб қолган ривожланган социализм шароитида ҳам у ўзининг синфий характерини асло йўқотмаётганлигини, ўз табиатига кўра ишчилар синфининг партияси бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб қолишини съезд таъкидлади.

Партияга тобора янги кучлар кўпроқ кириб келаётганлиги социализм шароитидаги иқтисодий ривожланишнинг бутун боришидан келиб чиқадиган объектив тенденциядир. Аммо партия сон жиҳатдан ўсишга зўр бермайди, балки ўз сафларига бирон-бир манфаат олишни кўзлаб эмас, балки коммунизм йўлида фидокорона ишлаш учун киришини амалда исботлаган кишиларнигина қабул қилади. XXIV съезд қарорига мувофиқ партия ҳужжатлари алмаштирилганлиги Ленин васиятларига биноан партия аъзоси деган номнинг обрўсини кўтаришда муҳим роль ўйнади.

Партия турмушининг ленинча нормаларини ва партиявий раҳбарлик принципларини, демократик централизм принципини муттасил қўллашиш йўли билан партия ҳамма бўғинларининг аниқ мақсадни кўзлаб, ақиллик билан актив ишлашига эришиш мумкин. XXV съезд партиянинг бу йўлдаги актив фаолиятини якунлади. Партия ички демократиясини изчиллик билан ривожлантириш, партиянинг ҳар бир аъзосига нисбатан талабчанликни оширишдан иборат бу ленинча принциплар ўткинчи босқич эмас, деб таъкидлади съезд. Бу шу куналарда ҳам, партия фаолиятининг негизидир. Ленинча иш услуби — субъективизмдан ҳоли бўлган, жамики ижтимоий жараёнларга илмий ижодий ёндашиш руҳи билан суғорилган иш услуби партиявий раҳбарлик муваффақиятининг муҳим шартидир. Бу услуб ўзига ва бошқаларга нисбатан юксак талабчанликни назарда тутади, хотиржамликни, бюрократизм ва расмиятчиликнинг ҳар қандай кўринишларини истисно қилади. Шу муносабат билан съезд партиямиз танқид ва ўз-ўзини танқидга, қабул этилган қарорларнинг ижросини назорат қилиш ва текширишга катта аҳамият бераётганлигини қайд этди.

Партиянинг кадрларга доир сиёсати съездда қудратли қурол деб таърифланди ва шу қурол ёрдамида партия ижтимоий ривожланишнинг боришига таъсир ўтказмоқда. Ҳозирги замондаги раҳбар ходим партиявийлик билан чуқур билимдонликни, интизомлилик билан ташаббускорлик ва ишга ижодий ёндошишни ўзида узвий равишда бирлаштирган бўлиши керак. Шу билан бирга раҳбар ходим ҳар қандай участкада социал-сиёсий, тарбиявий жиҳатларни ҳисобга олиб бориши, одамларга сезгир бўлиши, ишда ва турмушда намуна бўлиб хизмат қилиши шарт. Партия бундан буён ҳам кадрларни ардоқлаб, уларга меҳрибонлик қилишни қаттиқ талабчанлик ва принципиаллик билан қўшиб олиб бераверади.

Тузумимиз омманинг онглилиги билан кучлидир. Бинобарин, партия коммунистик онглиликни, коммунизм қуришга тайёрлик, бу йўлдаги ирода ва маҳоратни вояга етказишни ўзининг доимий иши деб билади. Партия марксизм-ленинизм — тўғри стратегия ва тактикани ишлаб чиқиш учун бирдан-бир ишончли негиз эканлигига асосланиб, революцион назарияни ривожлантиришга жўда муҳим аҳамият бермоқда. КПСС XXV съезди партиянинг XXIV съезддан кейинги назарий фаолиятини, ижтимоий фанлар соҳасидаги тадқиқотларни якунлади, бу фанларнинг энг истиқболли соҳалари ва проблемаларини белгилаб берди.

Умуман ғоявий-тарбиявий иш соҳасида биз олға силжидик. Аммо халқнинг онглилиги ва хабардорлиги ўсиб бораётганлиги бу ишга нисбатан талабчанликни оширмоқда. Халқаро кескинлик юмшатилганлиги натижасида социализм ғояларини кенг оммалаштириш учун қулай имкониятлар вужудга келганлиги билан бирга, эндиликда икки системанинг ўзаро ғоявий курашни тобора активлашиб бораётганлиги ҳам шундай талабларни ўртага қўймоқда. Икки дунёқарашнинг курашида бетарафлик ва муросасозликка ўрин бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлади КПСС XXV съезди. Бу ўринда сиёсий ҳушёрликни юксак даражага кўтариш, актив, оператив ва ишонарли пропаганда иши олиб борилиши, мафкуравий диверсияларга ўз вақтида зарба берилиши лозим.

Биз бутун тарбиявий ишни комплекс равишда ўртага қўйиш, яъни аҳоли турли группаларининг хусусиятларини ҳисобга олиб, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиянинг узвий бирлигини таъминлаш йўлидан борган тақдирдагина мафкуравий фаолият самарадорлигини оширишга эриша оламиз. Коммунизм қурувчилари ёш авлодини маънавий-сиёсий жиҳатдан чиниқтиришга съезд алоҳида эътибор берди.

Сиёсий маориф — марксизм-ленинизмни оммавий равишда ўрганиш соҳасида эндиги бош вазифа миллион-миллион меҳнаткашларнинг КПСС XXV съезди материаллари ва қарорларини чуқур ўзлаштириб олишидан иборатдир.

Конкрет ишлар — оммани сиёсий жиҳатдан тарбиялаш муваффақиятининг мезонидир. Коммунистик ғоявийлик — билим, эътиқод ва амалий ҳаракатнинг мужассам ифодасидир. Социалистик мусобақанинг ҳозирги юксалиши сиёсий тарбия билан меҳнат тарбияси узвий равишда қўшиб юборилганлигининг яққол натижаси эканлигини съезд ўқтириб ўтди. Мусобақани, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатини бундан буён ҳам ҳар тарафлама ривожлантира бериш зарур. Оммавий иқтисодий таълим системаси ва вазифани бажаришда муҳим роль ўйнайди.

Актив ҳаёт позициясини, ижтимоий бурчга онгли муносабатни ҳосил қилиш — сўз билан ишнинг бирлигини кундалик хулқ-атвор нормасига айлантириш ахлоқий тарбия соҳасида XXV съезд ўртага қўйган вазифадир.

Съездда коммунизм қурувчиларининг қаҳрамонона ишларини, совет халқининг улуғ Ватан урушидаги жасоратини, ахлоқ, одоб мавзуларини бадиий акс эттиришда адабиёт билан санъат эришган жуда катта муваффақиятлар таъкидлаб ўтилди. Адабиёт ва санъат масалаларига партиявий ёндашиш бадиий зиёлиларга сезгир назар билан қараш, уларнинг ижодий изланишларига ёрдам бериш билан принципиалликни бирга қўшиб олиб боради. Партия ҳақиқий талант камдан-кам учрашини ва уни меҳрибонлик билан ўстириб, вояга етказиш зарурлигини назарда тутиб, бу ишда юзакичилик билан ёндашишга қарши чиқади.

КПСС XXV съезди совет жамиятининг сиёсий системасини, айниқса Советларнинг фаолиятини ривожлантириш, социалистик умумхалқ давлати ва демократиясини янада такомиллаштириш, давлатимизнинг ва ижтимоий-турмушимизнинг ҳуқуқий негизларини мустаҳкамлаш, шу жумладан СССРнинг янги Конституцияси лойиҳаси устидаги ишларни давом эттиришнинг актуал масалаларини кўриб чиқди. Съезд партиянинг мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва совет халқи тинч меҳнатининг посбони, ялпи тинчлик таянчи — Қуролли Кучларини такомиллаштириш йўлини маъқуллади. Партия касаба союзларини, комсомолни ва бошқа жамоат ташкилотларини совет сиёсий системасининг таркибий қисми деб билиб, жамиятнинг ҳамма ишларини идора қилишда меҳнаткашларнинг тобора актив қатнашиши тўғрисида, давлатимизнинг демократик негизларини янада ривожлантириш, шахсни ҳар томонлама камолотга эришитириш учун шарт-шароит яратиш ҳақида ғамхўрлик қилмоқда.

Съезд дунёдаги аҳволга ва партиямизнинг халқаро фаолиятига катта эътибор берди. Съезд бу соҳада КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси, ўртоқ Л. И. Брежнев қилган самарали ишни якдиллик билан маъқуллаб, Совет Иттифоқининг халқаро мавқеи ҳозир ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам эканлигини таъкидлади. Ўттиз йилдан ортиқ вақтдан бери халқимиз тинчлик шароитида яшаб келмоқда. Жаҳон социализмининг позициялари анча мустаҳкамланди, у янги ижтимоий тузумнинг битмас-туганмас ижодий кучларини, унинг капитализм тузумидан тубли афзалликларини намойиш қилмоқда. Капитализм тузумининг умумий кризиси тобора чуқурлашмоқда, бу эса ишсизлик ва пулнинг қадрсизланишини кучайтирмоқда, халқ оммасининг турмуш машаққатларини кескинлаштирмоқда. Капиталистик дунёда меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун, давлат-монополистик капиталнинг зулмига қарши кураши кучаймоқда, Коммунистик партияларнинг таъсири ўсди. Миллий озодлик ҳаракатининг ғалабалари мустақилликни қўлга киритган мамлакатлар олдида янги уфқлар очиб бермоқда. Революцион-демократик, антиимпериалистик ҳаракат тобора кенг кўлам касб этмоқда.

КПСС турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча платформага таяниб, партия XXIV съездди ишлаб чиққан Тинчлик программасини рўёбга чиқариш соҳасида муваффақиятли иш олиб бормоқда. Энди кескинликни юмшатиш халқаро муносабатлардаги етакчи тенденция бўлиб қолди.

XXV съезд КПССнинг халқаро майдондаги янги вазифаларини белгилаб берди, бу вазифалар Тинчлик программасининг узвий давоми ва ривожидир. Бу — тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги курашнинг программасидир. Совет Иттифоқи қардош социализм мамлакатлари билан, бошқа тинчликсевар давлатлар билан ҳамкор бўлиб, ўз ташқи сиёсатини бундан буён ҳам шу Программани амалга оширишга қарата беради. Революцион бурчга содиқ бўлган совет коммунистлари ҳамма халқлар учун энг буюк неъмат, ҳозирги замон инсонияти тараққиётининг муҳим шарти бўлган тинчлик учун курашмоқдалар ва кураша берадилар.

КПСС, совет халқи курашдош сафдошлар билан ўзимизнинг муштарак буюк ва олижаноб мақсадларимиз учун таъсирчан бирдамликнинг ленинча анъаналарига бундан буён ҳам муттасил амал қила берадилар, марксизм-ленинизмнинг бош принципларидан бири бўлган пролетар интернационализми ишига ҳамиша содиқ бўлиб қоладилар. Совет коммунистлари компартиялар, бутун ишчилар ҳаракатининг қудратли ва синалган қуроли бўлмиш пролетар интернационализмини ҳимоя қилишни ҳар бир марксчи-ленинчининг муқаддас бурчи деб ҳисоблайдилар.

КПССнинг ленинча халқаро сиёсати ҳамма халқларнинг туб манфаатларига хизмат қилади. Бу сиёсатнинг келажаги порлоқдир.

XXV съезднинг бутун иши КПССнинг монолитдек мустаҳкам ленинча ғоявий-сиёсий бирлиги руҳида ўтди. Бу ишда партиянинг коллектив донолиги, унинг ижодий услуби, унинг халққа, коммунистик идеалларга чексиз содиқлиги ўз ифодасини топди. Съезд делегатлари жамиятимиз турмушининг энг муҳим масалаларини амалий, ўртоқларча вазиятда актив муҳокама қилдилар ва орттирилган тажрибани эътибор бериб, холисона таҳлил этдилар, партия олдида турган вазифаларни кўриб чиқдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев съездда 5 март куни сўзлаган нутқида бундай деди: «Ленинчи партиямизнинг тарихида кўпгина ажойиб съездлар бўлиб ўтган. Бу съездларнинг ҳар бири партия ва мамлакатнинг ҳаётида муҳим босқич бўлган. Ўртоқлар, XXV съезд буюк зафарлар съезди сифатида, реализм ва ишчанлик белгиси остида, ўз кучларига комил ишонч руҳида, коммунизм қурилиши каби улуғ ишимизнинг, ер юзида мустаҳкам, адолатли тинчлик йўлидаги курашимизнинг янгидан-янги ғалабаларига ишонч руҳида ўтган съезд сифатида ана шу съезслар орасида ўзига хос алоҳида ўрин олади, бунга шак-шубҳа йўқ!».

Бутун партия, бутун совет халқи КПСС XXV съезди ишини, унинг тарихий қарорларини қизғин, тўла-тўкис маъқуллашини изҳор этмоқда. Бу қарорлар бизга бирдан-бир тўғри йўлни — ҳақиқат йўлини, озодлик йўлини, халқ бахт-саодати йўлини кўрсатиб турибди.

XXV съезд қарорлари — янги шонли зафарлар учун қудратли омиллир. Бу қарорларни бажариш — ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир партия ташкилотининг, бутун партиямизнинг шон-шараф ишидир. Улар съезд қарорларига жавобан социалистик мусобақани янада жўш урдираётган, ўзининг коммунистик авангарди теварагида янада маҳкамроқ жипслашаётган оммага бошчилик қилишлари лозим.

Совет халқи жонажон ленинчи партиянинг доно раҳбарлиги ва инсоният тарихида биринчи коммунистик жамият қуриш йўлидан комил ишонч билан олға бормоқда.

(«ПРАВДА»нинг 8 мартдаги бош мақоласи).

ПАРТИЯ СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ОММАГА

Республикамиз меҳнаткашлари КПСС XXV съезди материалларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Съезд ҳужжатлари идеология ходимларининг диққат марказида турибди. Ҳамма жойда мамлакатимиз коммунистларининг улкан анжуманни материалларини ўрганиш ва пропаганда қилиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. «СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» ва УзТАГ мухбирларининг эътиборингизга ҳавола этилаётган қуйидаги хабарлари ҳам ана шундан далолат беради.

НУКУС

Бу ерда Қорақалпоғистон область партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Автоном республика партия комитетларининг секретарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, радио, телевидение ва матбуот ходимлари қатнашдилар. Область партия комитетининг иккинчи секретари, КПСС XXV съезди делегати В. В. Кислов «КПСС XXV съезди якунлари ва Автоном республика идеология ходимларининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

ГУЛИСТОН

Бу ерда Сирдарё область идеология ходимлари қенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда КПСС XXV съезди делегати, область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. А. Хайдуров «КПСС XXV съезди якунлари ва идеология ходимларининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Кенгашда КПСС XXV съезди материалларини область меҳнаткашлари ўртасида кенг пропаганда қилиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

БУХОРО

Область идеология ходимларининг КПСС XXV съезди материалларини пропаганда қилишга бағишланган кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда сўзга чиққан область партия комитетининг биринчи секретари, XXV съезд делегати Қ. Муртазоев мамлакат коммунистларининг форуми ҳақида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳисобот доклади делегатларда ва съезд меҳмонларида қандай таассурот қолдиргани ҳақида гапириб берди, съезд қарорларини кенг меҳнаткашлар оммаси орасида тушунтириш борасида идеология ходимлари олдида турган муҳим вазифаларга тўхталди.

ФАРҒОНА

Бугун идеология ходимларининг область кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари КПСС XXV съезди материалларини пропаганда қилиш соҳасида партия ташкилотлари ва идеология ходимларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари, КПСС XXV съезди делегати А. К. Каримов мамлакат коммунистларининг анжумани юксак сиёсий кўтаринкилик, ишчанлик вазиятида, мисли кўрилмаган якдиллик билан ўтганлиги тўғрисида гапирди.

СУРХОНДАРЁ

Пропагандистлар, лекторлар, сиёсий докладчилар, область партия органларининг ходимлари КПСС XXV съезди материалларини пропаганда қилиш масаласини муҳокама этмоқ учун область партия комитетида тўпландилар. Область партия комитетининг биринчи секретари, КПСС XXV съезди делегати А. К. Каримов мамлакат коммунистларининг анжумани юксак сиёсий кўтаринкилик, ишчанлик вазиятида, мисли кўрилмаган якдиллик билан ўтганлиги тўғрисида гапирди.

ПАРТИЯ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Белгиланган марраларга эришмоқ учун ҳаммамиз зўр ғайрат билан кўп меҳнат қилишимиз кераклигини биз яхши биламиз. Ҳар бир коммунист, ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир партия комитети съезд қарорларини бажаришга ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Бу қарорларни конкрет топшириқлар ва планларда мужассамлаштириш керак.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

ҚАЛБ АМРИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXV съездидаги докладидан келиб чиқадиган вазифалар муносабати билан Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг Ленин орденли сут соғувчиси Аширгул Эрназарованинг мулоҳаза ва режалари. Яқинда Сирдарё область партия комитети бир группа илғор сут соғувчиларнинг ташаббусини маъқуллади. Улар орасида А. Эрназарова ҳам бор.

Партиямизнинг тарихий XXV съезди ўз ишини тамомлади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг мазмунли, ёрқин докладини қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Докладда баён этилган фикрлар, съезд ҳужжатлари ўнинчи беш йилликдаги ишларимиз программасидир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев докладида ҳам, съезд ҳужжатларида ҳам чорвачилик масаласи кўп тилга олинди. Мамлакатимиз, шу жумладан Ўзбекистонимизда чорвачиликни ривожлантириб, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришимиз керак. Бу — биз чорвадорлар учун бош вазифа! Чунки аҳоли кўпайяпти, шаҳар ва қишлоқлар кенгайяпти, янгилари бунёдга келяпти. Енгил саноатнинг ҳом ашёга бўлган талаби ошяпти.

Съезд ҳужжатларида ўнинчи беш йилликда мамлакатимизда гўшт етиштириш йилига ўрта ҳисобда 15-15,6 миллион тоннага (сўйилган вазнда), сут етиштириш 94-96 миллион тоннага, тухум етиштириш 58-61 миллиард донага етказилсин, дейилган.

Республикамизда 1980 йилда гўшт етиштириш 564 минг тоннага, сут етиштириш 2 миллион 375 минг тоннага, тухум етиштириш 1,9 миллиард донага етказилиши белгиланди.

КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди бу вазифаларни бажариш йўлларини белгилади. Кадрларда топширилган иш учун масъулиятни ошириш, уларнинг ташаббускорлигини кучайтириш, кетган сарф-харажатдан максимум даражада қайтим олиш, бунинг учун самарадорликка эришиш ва сифатни яхшилаш муҳим вазифа қилиб қўйилди.

Ерга, техникага, ўғитга айрим ҳолларда яхши муносабатда бўлинмаётгани танқид қилинди. Бу сўзлар чорвадорлар учун ҳам тўла тааллуқлидир. Чунки ерда озуқа экинлари ўстирамиз, ўғитлар ёрдамида ҳосилдорликни оширамиз, техника воситасида ўрибйиғиб оламиз.

Чорвачиликни интенсив ривожлантиришимиз, туёқ сонини кўпайтириб, маҳсулдорлигини оширишимиз керак. Озуқа базасини мустаҳкамлаб, емхашак тайёрлашни саноат негизида ташкил этишимиз даркор.

Менинг касбим сут соғувчи бўлганлиги учун сут етиштириш, унинг таркибидаги ёғни ошириш йўллари ҳақида мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман. Яқинда Сирдарё область партия комитетида ўтказилган йиғилишда ўнинчи беш йилликнинг биринчи даврасида — 1976 йилда ҳар бош сигирдан 5 минг литрдан сут соғиб олишга ваъда бердим.

Сут — даромад манбаи. Сут етиштиришни кўпайтираётган хўжаликларнинг ҳазинаси бойяпти, чорвадорларнинг моддий манфаатдорлиги ошяпти. Сут ва сут маҳсулотларисиз фаровон ҳаётни тасаввур этиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз сут етиштиришни кўпайтиришдан хўжаликлар ва чорвадорларнинг шахсий манфаатдорлигини кучайтиряпти. Биринчи сорт бир центнер сутнинг давлат харид баҳоси 46 сўм! Ваҳолонки, ана шу сут давлат корхоналари орқали истеъмолчиларга жуда арзон баҳода сотилади. Бу халқ турмуш фаровонлигини ошириш ҳақида партия ва ҳукуматимиз қилаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Совхозимиз сут соғувчилари тўққизинчи беш йилликни яхши якунладилар. 1971 йилда тайёрлов ташкилотларига 2.672 тонна сут топширилган бўлса, 1975 йилда бу миқдор 3.256 тоннага етказилди.

Мен ҳам боқимимдаги сигирлар маҳсулдорлигини ошириш учун курашмоқдаман. 1971 йилда ҳар бош сигирдан 4182 килограммдан сут соғиб олиб, 113 тонна сут топширган эдим. 1975 йилда сигир бошига олинган сутни 5000 килограммга етказдим, тайёрлов пунктига 122 тонна сут армуғон этдим.

Съезд ҳужжатлари, хусусан ўртоқ Л. И. Брежнев докладини ўқиб чиққач, сут-товар фермамиз бўйича 1976 йил учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдик. Жумладан, сут-товар фермамиздаги 800 бош сигирнинг ҳар бошидан ўртача 4.350 килограммдан сут соғиб олиб, 3.200 тонна серқаймоқ сут тайёрлаймиз.

Менинг парваришимда 25 бош сигирим бор. Уларнинг ҳар бошидан 5.300 килограммдан сут соғиб оламан ва маҳсулотнинг ҳаммасини биринчи сортга топшираман. Мария Дедкова, Ольга Месяцева, Галина Фролова, Антонина Белькова, Зоя Маркова, Надежда Иванова каби ҳамкасбларим ҳам съезд шарафига ўз эммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар.

Фермамиз коллективи ўтган йили 500 минг сўм соф фойда келтирган эди. Бу йил соф фойдани 750 минг сўмга етказишга аҳд қилдик. Бунга самарадорликни ошириш ва сифатни яхшилаш йўли билан эришамиз.

Озуқа базасини мустаҳкамлашда катта ишлар қилинмоқда. Бу йил 250 гектар майдонда маккажўхори ўстириб, ҳар гектаридан 100 центнердан дон ва кўплаб поя оламиз. Беда майдонини 800 гектарга етказдик, ҳосилдорликни гектар бошига 180 центнерга кўтарамиз.

Сут соғувчиларимиз ҳар ойда 170—200 сўмгача даромад олмоқдалар. Ўтган йили кўп ва юқори сортли сут соғиб топширганимиз учун ҳаммамиз кўплаб устама мукофот олдик. Масалан, мен 1100 сўмдан ортиқ қўшимча даромад олдим.

Биз съезд шарафига бошланган мусобақани давом эттиришга қарор қилдик. Мусобақалашиб ишлаб январь ва февраль ойларида сигирлардан сут соғиб олиш топширғини анча ошириб бажардик.

Ўртоқ Л. И. Брежнев съезд минбаридан туриб **«Партия аграр сиёсатини амалга ошириш йўлидаги курашда дала ва фермаларнинг ходимлари доимо олдинги марраларда туриб келдилар ва ҳозир ҳам олдинги марраларда турибдилар. Уларнинг меҳнати енгил эмас, улар тонг отгандан кун ботгунча ишлайдилар. Шу боксан ҳам қишлоқ меҳнатчиларига кўпдан-кўп раҳмат айтиш учун ҳаммамизнинг, партия билан халқнинг жуда катта асоси бор. Келгусидаги чинакам улуғвор вазифаларни ҳал этишда съезд номидан уларга муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсизлар»** деди.

Бу илҳомбахш сўзлардан руҳланган совхозимиз сут соғувчилари олинган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.

Аширгул ЭРНАЗАРОВА,
Сирдарё область, Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг сигир соғувчиси, Ленин ордени кавалери.

Шу кунларда КПСС XXV съезди материаллари бутун мамлакатимиздаги сингари республикамиз саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективларида кенг ўрганилмоқда. Суратда: Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик-галантерия фирмаси тўқуа цехининг мастер ёрдамчиси Эркин Шокаримов цех тўқувчиларини ўнинчи беш йиллик асосий йўналишлари билан таништирмоқда.

А. Тўраев фотоси.

МАРРАМИЗ 50 ЦЕНТНЕР

Ватанимиз коммунистларининг катта анжумани — партия XXV съезди ишида қатнашиш бахтига мушарраф бўлдим. Съезд ўнинчи беш йилликда халқ хўжалигини янада юксалтириш, меҳнатнашларнинг турмуш фаровонлигини ошириш режаларини белгилаб берди. Марказий Комитет номидан Ҳисобот доклади қилган ўртоқ Л. И. Брежневнинг илҳомбахш нутқида ана шу вазифаларни амалга оширишда жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли бахтиёр аъзолари бўлмиш хотин-қизларнинг ҳам роли беқиёс эканлиги алоҳида таъкидланди. Ҳа, бу озод ва ҳур аёлларимиз меҳнатига берилган катта баҳо эди. Бу ишончли шараф билан оқлашни, янги жамият қуриш учун кураш олиб боравётган халқимизнинг катта яратувчилик ишларига муносиб ҳисса қўшишни бутун умримиз мазмуни деб биламиз.

Ким эдингу, ким бўлдик? Оналаримиз хонлик даврида тўрт девор ичида қул эдилар. Совет даврида қаддимиз тикланди. Ҳур, озод бўлдик. Бир пайтлар намбағал, оч ва ялангоч деҳқоннинг қизи бугун республикамиз ҳукуматининг аъзоси. Ҳамқишлоқларим менга катта ишонч билдириб, Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайладилар.

Ҳамқишлоқ дугоналарим Ватанимиздаги бошқа хотин-қизлар каби бахтли турмуш кечирмоқдалар. Уларнинг ҳаммаси ҳам илғор колхоз аъзолари, эркаклар билан бир сафда туриб, озод меҳнат қилишади. Бригадамиз аъзоларининг ярмидан кўпи дугоналарим, уларнинг кўпчилиги механизатор — дала ғаворичилари. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли ўтган йили ҳар гектар ердан 35 центнер «оқ олтин» етиштирдик. Менинг ўзим машинада 200 тонна пахта териб бердим. Бригадамиз бу йил экин майдонларини кенгайтириб, ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга қарор қилди. Бу бизнинг КПСС XXV съезди қарорларига амалий жавобимиз бўлади.

Ирисгул ҚУТИМОВА,
Бируний районидаги Охунбобоев номли совхознинг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, КПСС XXV съезди делегати.

ЧЎЛГА БАҲОР КЕЛДИ

Ҳа, Қарши чўлига баҳор келди. Ўнинчи беш йилликнинг биринчи баҳори бу. Шу кунларда қаёққа қараманг, улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз. КПСС XXV съезди қарорлари асосида Қаршн чўлида Ўзбекистондаги ипак пахта етиштирувчи йирик районлардан бири барпо этилади. Баҳорнинг биринчи ҳафтасидаёқ чўлқуварлар юксак марраларни кўзлаб ишга киришдилар. Ўтган ҳафта ичида чўлда 4[illegible]0 гектар янги ер экиш учун тайёрлаб қўйилди, 10 километрдан зиёд суғориш шохобчалари — лоток-лар ўрнатилди. Умуман, чўлда 1 миллион куб метрдан кўпроқ ҳажмда тупроқ ишлари бажарилди. Ўтган ҳафтада «Каршистрой» коллективи 2 миллион сўмдан зиёд капитал маблағни ўзлаштирди. Илғорилари ҳеч қачон бундай юксак суръатлар билан ишламагандик.

КПСС XXV съезднинг илҳомбахш қарорларидан руҳланиб, Назар Нурматов бошлиқ монтажчилар бригадаси коллективи янги ватанпарварлик ташаббуси билан чиқди. Улар ўнинчи беш йиллик топшириғини 3,5 йилда адо этиб, барча объектларни фақат «аъло» баҳога топширишга аҳд қилдилар. Бизнинг бошқармамизда ҳам ўнлаб скреперчилар ва бульдозерчилар бу таташаббусга қўшилишди. Мен тўққизинчи беш йилликда топширидигадан 500 минг куб метр ҳажмдан кўпроқ тупроқ ишлари бажардим. Бу йил тупроқ ишларини 150 минг ўрнига 250 минг куб метрга етказишга аҳд қилдим. Ўнинчи беш йиллик маррасини 3,5 йилда эгаллайман. Ҳамма ишларни юксак сифат билан бажараман.

А. АЗИМХОНОВ,
13-механизациялашган ишлар бошқармаси бульдозерчиси, СССР Олий Советининг депутати.

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

КПСС XXV съезди қарорларини, съезд маъқуллаган ҳужжатларни ўқир экэнмиз, қалбларимиз бир олам қувонч ва ифтихорга тўлмоқда. Лекин биз фақат шунинг ўзи кифоя қилмаслигини яхши биламиз. Ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитети номидан съездга қилган Ҳисобот докладида ҳам, якунловчи нутқида ҳам таъкидлаганидек, ўнинчи беш йиллик зарбдор ва баракали меҳнат йиллари бўлади. Фақат шундагина съезд белгилаган улуғвор режаларни рўёбга чиқара оламиз. Бинобарин, ҳар бир коммунист, барча меҳнаткашлар ўнинчи беш йиллик халқ хўжалик планларини, сиёсий-иқтисодий тараққиётимизнинг беқиёс режаларини рўёбга чиқариш учун шахсан масъулдирлар. Биз буни чуқур ҳис қиламиз. Ҳар бир кунни зарбдор меҳнат билан нишонлашга ҳаракат қиламиз. Колхозимиз меҳнаткашлари шу кунларда кўклам дала ишларини бошлаб юбордилар. Карам экиш, эртаги сабзавотлар уруғини сепиш қизғин бораётир. Ҳаммамиз районимиз меҳнаткашларининг 62 минг тонна сабзавот етиштиришдек юксак аҳдига муносиб ҳисса қўшиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдамиз.

Қ. АЗИМОВ,
Тошкент область, Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхозининг аъзоси.

ТАРИХИЙ КИНОКАДРЛАР

Москва кинотеатрларида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXV съездининг якунловчи мажлиси тўғрисида ҳикоя қилувчи «Ленинизмнинг ҳамиша голиб байроғи» деган махсус чиқарилган кинолентани намойиш қилиш бошланди. Кадрларда тўлқинлантирувчи воқеа — КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг съезд ёпилиш чоғида нутқ сўзлаган пайти тасвирланган.

«Ленинизмнинг ҳамиша голиб байроғи» лентаси КПСС XXV сезъдининг иши тўғрисида махсус чиқарилган киноленталар туркумининг охиргиси бўлиб, бу асарларни ҳужжатли фильмлар марказий студияси яратган. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

КПСС XXV съезди ишида иштирок этган Сальвадор Коммунистик партияси билан Доминикана Коммунистик партиясининг делегациялари Ўзбекистон билан таништирмоқдалар. Делегацияларга Сальвадор Компартияси Марказий Комитети Бош секретарининг ўринбосари Роберто Кастельянос ва Доминикана Компартияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Хосе Куэльо бошчилик қилмоқдалар.

Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини бориб кўрдилар. Делегациялар Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмасида, шунингдек «Қизил Ўзбекистон» колхозида бўлдилар.

Сальвадор ва Доминикана коммунистлари республика бўйлаб сафарга чиқадилар. (ЎзТАГ).

ҚЎП НУСХАДА НАШР ЭТИЛДИ

«Ўзбекистон» нашриёти КПСС XXV съезди тасдиқлаган «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»ни ўзбек тилида алоҳида китобча қилиб чиқарди. Китобча кўп нусхада нашр этилган. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика прокуратураси органларида кўп йил самарали ишлаганлиги ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ишидаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР прокуратураси контрол-инспекторлик бўлимининг бошлиғи Григорий Ханкелевич Кашкетга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берди.

ЖАСОРАТГА ДАЪВАТ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМАНДИРЛАРИ МИНБАРИ

Жонажон Коммунистик партиямиз кўрсатмалари биз, бинокорлар коллективларини ҳам доимо жасоратли меҳнатга даъват этади. Ўтган беш йиллик трестимиз коллективи учун камолот йиллари бўлди. Трестимиз ўн олти марта Бутуниттифоқ ва республика миқёсидаги социалистик мусобақаларда голиб чиқди. Коллективимиз 1975 йил ва ўтган беш йиллик якунларига кўра, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Тўққизинчи беш йилликдаги шавкатли меҳнати учун» эсдалик нишони ҳамда кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Трестимиз номи СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди.

КПСС XXV съезди қишлоқ қурувчилари олдига ҳам катта вазифалар қўйди. Трестимиз коллективи бу вазифаларни шараф билан бажаришга киришди. Бинокорларимиз улкан вазифаларни бажаришда ўтган беш йилликда бой тажриба тўплади. Ишчан коллективимиз беш йиллик плани муддатидан икки ой олдин уддалади. 143 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бу, планда кўзда тутилганидан 5,5 миллион сўмлик кўп. Шунисқ қувончлики, капитал қурилиш кўлами бундан аввалги беш йилликка нисбатан 75 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлиги эса 46 процент ортди. Қурилиш-монтаж ишлари таннархи 2,6 процент камайди. Мўлжалдагидан 1 миллион 800 минг сўм ортиқ соф фойда олинди.

Ўтган беш йил мобайнида Андижон область колхозларида 62 минг бошга мўлжалланган чорвачилик биноларни, 31 минг тонна маҳсулот ва минерал ўғит сақланадиган омборлар, 60 минг товуқ боқиладиган паррандахоналар қурдик. 42 минг ўқувчини бағрига оладиган мактаб, 13 минг ўринли боқча-ясли, 152 минг квадрат метр уй-жой қуриб фойдаланишга топширилди.

Якунловчи йил ҳам коллективимиз ҳаётида чуқур из қолдирди. План барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилди. Бир йилда 33,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Трест тарихида ҳеч қачон бунақа кўп иш бажарилмаган эди.

Қурувчиларимиз 10 беш йиллики ҳам яхши бошладилар. Жонажон партиямизнинг XXV съездига: «Икки ойлик планни бажардик, ой охиригача 400 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширамиз» деб ғалаба рапорти йўллаган эдилар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқдилар.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолияти ҳам яхшиланди. Тўққизинчи беш йилликда пишиқ ғишт ишлаб чиқариш аввалги беш йилликка нисбатан икки марта, йиғма-темир-бетон ишлаб чиқариш 2,2 марта кўпайди. Қурилишда йиғма темир-бетондан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилдик. Масалан, 1970 йилда трест бўйича 950 куб метр йиғма темир-бетон ишлатилган бўлса, бултур бу рақам 1600 куб метрни ташкил этди.

Қурилиш ишларини механизациялашга алоҳида эътибор берямиз. Ер ишларининг 98,9 процента, юк ортиш ва тушириш ишларининг 86,5 проценти, марказлашган усулда бетон ва қоришма тайёрлаш ишларининг 80 проценти механизмлар ёрдамида бажарилмоқда.

Зафарларимиз ана шундай. Бу ютуқларга осонликча эришганимиз йўқ. 6 мингдан зиёд қурувчи, инженер-техник ходим рақамлар салмоғини ошириш учун мардона меҳнат қилди. 5219 қурувчи КПСС XXV съезди шарафига бошланган мусобақада олдинги сафда борди. 1690 қурувчи коммунистик меҳнат зарбдори деган қутлуғ номни олиш учун юриш бошлади. 426 қурувчи ва 46 бригада 1975 йилнинг май ойидан буён ўнинчи беш йиллик ҳисобига ишлаяпти. Трестимиз бўйича 24 бригада Н. Злобин методи асосида меҳнат қилмоқда. Амин Клеблеев, М. Ориповв бошлиқ бригадалар беш йиллик ғолиблари қаторидан муносиб ўрин олдилар.

Трест маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари бундай илғор бригадаларнинг иш тажрибаларини кўпчиликнинг мулкига айлантириш тадбирларини ишлаб чиқиб, изчил амалга оширмоқдалар. Социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини мунтазам назорат қилиб, ўз вақтида якунлаб боряпмиз. Мусобақада энг юқори кўрсатгичга эришган бригадалар ва участкалар кўчма Қизил байроқлар, донгдор қурувчилар эса вимпеллар ва пул мукофотлари билан рағбатлантириб турилади. Буларнинг ҳаммаси мажбуриятларнинг мунтазам бажарилиши, қурилиш-монтаж ишлари сифати яхшиланиши, меҳнат унумдорлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин ўртоқларнинг КПСС XXV съездида қилган докладлари ва съезд қабул қилган қарорлар барча совет халқи қатори трестимиз коллективини ҳам меҳнатда янги зафарларга руҳлантирмоқда. Район колхозлараро қурилиш бошқармаларида, ишлаб чиқариш корхоналарида, бригадалар ва участкаларда ўтказилаётган йиғилишларда қурувчилар партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаб, ўнинчи беш йилликка мўлжалланган улуғвор планларни амалга ошириш учун янги мажбуриятлар олмоқдалар.

Партия XXV съездида трестимиз вакили, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Асқарали Қамбаров ҳам иштирок этганидан мамнунмиз. У съезддан қайтиб келгач, қурувчилар ўртасида учрашувлар ўтказмоқда. Ленин партияси катта анжуманидан олган таассуротларини сўзлаб бермоқда.

Партия съезди қарорларидан илҳомланган трестимиз колективи бу йил камида 34 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олди. Ўнинчи беш йилликнинг охирига бориб йилига 46 миллион сўмлик иш бажариш тадбирларини белгиладик.

Мадаминжон БОЗОРОВ,
Меҳнат Қизил Байроқ орденли Андижон «Облколхозстрой» трестининг бошқарувчиси.



Партиямизнинг XXV съезди қарорлари Гурлан районидаги «Ўзбекистон» колхози механизаторларини янги зафарларга чорламоқда. Хўжалик деҳқонлари бу йил 1225 гектар майдондан 45 центнердан пахта хирмони кўтариш мажбуриятини олишган. Улар ваъдага вафо қилиш учун курашиб, мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар. Шу кунларда колхоз далаларида ерларнинг шўрини ювиш, капитал планировка қилиш ишлари янада қизитиб юборилди. Суратларда (ўнгда) колхознинг моҳир суғувчиси Норбой Шомуродов, (чапда) ерларни планировка қилиш пайти акс этган.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

УЛКАН РЕЖАЛАР

Ҳосилдорлик 50,5 центнерга етказилади. Она Ватанга 9 минг тонна пахта армуғон этилади. Машиналар иш унуми 40 процент кўтарилади. Ҳамма пахта биринчи сортга сотилади. Бригадалар 55-60 центнерлик маррани эгаллайди. Дала ишлари комплекс механизациялаштирилади. Бошқа тармоқлар ҳам комплекс ривожлантирилади.

Самарқанд область ташаббускор Пахтачи районидаги Карл Маркс номли колхоз меҳнат аҳли КПСС XXV съезди қарорларига жавобан ана шундай юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилди. Бу мажбуриятлари бажариш тадбирлари ҳақида правление раиси Шомурод Қаҳҳоров қуйидагиларни ҳикоя қилди.

— КПСС XXV съезди мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишининг улкан программасини белгилади. Бу программа КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладида батафсил баён этиб берилди. Колхозимиз аъзолари ўз ишларини шу асосда бутунлай қайта ташкил қилишга азму қарор этдилар.

Олинган юксак мажбуриятларни бажариш учун қандай манбаларга таянамиз? Тўққизинчи беш йилликда пахтачилик ва бошқа тармоқларни ривожлантиришда катта тажриба орттирдик. Беш йилда она Ватанга планда кўзда тутилганидан анча кўп, саккизинчи беш йилликдагига нисбатан эса 5.875 тонна зиёд «оқ олтин» етказиб бердик. Сутни 1316 тонна, гўштни 107 тонна, тухумни салкам 200 минг дона, пиллани 35,4 тонна кўпайтирдик.

Тўққизинчи беш йиллик давомида ғаллачиликда кўп қийинчиликларга дуч келдик, ёнингарчиликларнинг кам бўлиши айниқса ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатди. Шунга қарамай дон тайёрлаш планларини муттасил бажардик ва пландан ташқари 1252 тонна дон етиштирдик. Чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамладик.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министлар Совети, шунингдек, область ва район партия — совет ташкилотларининг оталарча ғамхўрликларини бутун иш жараёнида яққол сезиб турдик. Юқори ҳосил ва мўл-кўл маҳсулотлар етиштириш учун курашда кадрларимиз чиниқди, улар ғалдаги вазифаларни шараф билан бажаришга қодир бўлиб қолдилар.

Деҳқончилик маданиятини юксалтиришга қаратилган чораларни кўрмоқдамиз. Ерни ўғитлаш тупроқ картограммаси асосида олиб борилмоқда. Экинзорларнинг шўрини ювиб, яхоб бердик. Органик ўғитларни ҳар йилгидан кўп жамғардик. Минерал ўғитларни ҳам кўп олдик. Техника воситалари етарли бор. Карталарни йириклаштириб, машиналарнинг юқори унум билан ишлашига мослаштирдик. Ариқзовурлар тозаланиб бўлинди.

Техника ремонти тугаланмоқда, сифатга алоҳида эътибор берилмоқда. Механизаторларимиз ўқитилиб, малакаси оширилди. Ҳар бир механизатор зиммасига конкрет мажбуриятлар олди. Карталар уларга доимий қилиб бириктиб чиқилди. Чигит экишдан тортиб, ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ишлар муддати белгиланди. Ишда самарадорлик ва сифат бош мезон қилиб олинди. Қиш фаслида бажаришимиз лозим бўлган ишларнинг ҳаммаси меъёрига етказилди. Съезд шарафига мусобақани кучайтириб, кўкламга тараддуд кўриб бўлдик.

Ана шундай тадбирларни амалга ошириш билан ўнинчи беш йилликнинг биринчи давраси 1976 йилда колхозимиз бўйича ҳар гектар ердан 50,5 центнердан ҳосил олиб, она Ватанга 9 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга мустаҳкам замин яратдик. Ҳар йилдаги каби бу йил ҳам тайёрлаган пахтамизнинг ҳаммасини биринчи сортга сотишга қарор қилдик. Бу билан кўплаб қўшимча даромад оламиз.

Колхозимиз уруғчилик хўжалиги ҳисобланади. Шунга қарамай теримни комплекс механизациялашга катта эътибор бермоқдамиз. Тўққизинчи беш йилликда машина терими планини анча ошириб бажардик. Ҳар бир терим машинасининг мавсумдаги иш унуми 100 тоннага етиб қолди. Лекин бу чегара эмас. Илғор механик-ҳайдовчиларимизнинг иш тажрибаси шуни кўрсатдики, машиналар иш унумини кўтариш учун ҳали резервлардан тўла фойдаланилаётгани йўқ. Айрим механизаторларимиз 230-250 тонна пахта теряпти. Аммо айримларининг кўрсаткичлари бундан паст бўляпти. Ўнинчи беш йилликда ҳар бир машинанинг мавсумдаги иш унумини ўртача 40 процент кўтарамиз, хўжалигимизда 100 тоннадан кам пахта терадиган бирорта механик-ҳайдовчи бўлмаслигига эришамиз. Кўзлаган мақсадимизга эришмоқ учун ҳамма имкониятлар яратилган. Энди гап кадрларимизнинг ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлашларига боғлиқ бўлиб қолди. Улар съезд шарафига бошланган мусобақани давом эттириб, ўз мажбуриятларини ошириб адо этиш учун курашадилар.

Пахта етиштиришни бутун чоралар билан кучайтиришимиз керак. Резерв ва имкониятлар шу мақсад йўлига сафарбар этилмоғи даркор. Ўтган хўжалик йилининг якуни шуни кўрсатдики, нисбатан паст ҳосилли бригадаларни юқори ҳосилли бригадалар даражасига кўтариш йўли билан қўшимча 500 тоннадан кўпроқ пахта тайёрлашимиз мумкин. Ваҳоланки, кўпчилик бригадаларимиз съездни шарафлаш учун курашиб, бу йил гектаридан 55-60 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга сўз бердилар. Улар сўзларининг устидан чиқиш учун дала ишларини тобора кучайтирмоқдалар.

Ирмоқлар бирлашиб дарёлар ҳосил қилади. Бригадалар ва колхозларнинг пахтаси жамланиб, районимизнинг шуҳратини оширади. Районимиз гектаридан 45 центнердан пахта етиштириш ташаббуси билан майдонга чиққан эди. Бу йил ана шу маррани эгаллабгина қолмасдан, ҳосилдорликни 46 центнердан оширишга аҳд қилдик. Районимизнинг барча меҳнаткашлари партия ташкилотлари атрофига ҳар қачонгидан ҳам маҳкамроқ жипслашиб, астойдил меҳнат қиладилар, қийинчиликларни енгиб, юксак мажбуриятни сўзсиз бажарадилар.

Съезд қарорлари асосида бошқа тармоқларни ҳам комплекс тарққий эттириш режаларини тузиб чиқдик. Жумладан, бу йил пландаги 126 тонна ўрнига 130 тонна гўшт, 800 тонна ўрнига 900 тонна сут, 38 тонна ўрнига 41 тонна пилла ва бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштирамиз ва давлатга сотамиз. Ғалла тайёрлашни ўтган беш йилликдагига нисбатан кескин кўпайтирамиз. Маккажўхорикорликни айникса тез суръатлар билан ривожлантирамиз.

Съезд қарорларида **совет халқи ўзининг фидокорона меҳнати билан ўнинчи беш йиллик план топшириқларини тўла ва ошириб бажаришни таъминлайди. Бу эса совет кишиларининг коммунизм юксак идеалларига чексиз садоқатини кўрсатувчи янги далил бўлади,** дейилган.

Колхозимиз меҳнат аҳли бундай ишончни оқлаш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўради. 1976 йилдагина эмас, ундан кейинги йилларда ҳам экин майдонларини кенгайтиради, пахта-беда алмашлаб экишни кенг жорий этиш йўли билан ҳам ҳосилдорликни кўтаради, ҳам чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлайди, бу билан сут, гўшт ва бошқа маҳсулотларни муттасил кўпайтириб боришга мустаҳкам замин яратади. Ўтган беш йилликда пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 6,9 центнер кўтарган эдик, янги беш йилликда камида 10-12 центнер кўтариш ниятимиз бор. Сигирларнинг сутини кўпайтириш, қорамоллар ва қўйларни боқиб семиртириш юзасидан ҳам катта тадбирлар белгиладик.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи босқичи ҳаммамиз ва ҳар биримиз учун синов йилидир. Бу йил нишонга олган маррага етсак, ундан кейинги йилларнинг юки енгиллашади, манзили қисқаради. Бунинг учун ҳаммамиз ўз участкамизда жонбозлик билан меҳнат қилишимиз, бугунги ишни эртага қолдирмаслигимиз, ҳар биримиз бир ярим—икки норма ҳажмида иш бажаришимиз керак. Интизомни мустаҳкамлаш, топширилган иш учун масъулиятни ошириш шарафли бурчимиздир.

Партия ташкилотлари раҳбарлигида 1976 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятларимизни ошириб бажарамиз. Бу съезд қарорларига амалий иш билан берган жавобимиз бўлади.

Ш. ҚАҲҲОРОВ,
Самарқанд область Пахтачи районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси.

Сирдарё районидаги «Правда» колхози меҳнаткашлари партиямиз XXV съезди материалларини уюшқоқлик билан ўрганмоқдалар. Суратда: устахона бошлиғи Турсунбой Эгамов колхоз механизаторларига ана шу ҳужжатларни ўқиб бермоқда.

А. Тўраев фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ

ХУШХАБАРЛАР

Самарқанд областининг Улуғбек посёлкасидаги касалхонанинг 100 ўрнили болалар бўлими фойдаланишга топширилди. Бу ерда палаталар ва ошхонадан ташқари дам олиш учун маҳсус катта хона, айвон ҳам бор. Ҳовлида эса болаларнинг ўйин майдончалари жиҳозланган.

* * *

Олмалиқ кимё заводининг ёнида Ойнавон шаҳарча қад кўтарди. Бу саҳни бир минг 600 квадрат метрга борадиган теплица хўжалигининг биринчи навбатидир. Бу ерда помидор, гул етиштириладиган пайкаллар бор. Тез орада цитрус мевалар етиштириладиган яна бир корпус ишга туширилади.

* * *

Андижон парма ишлари бошқармасининг коллективи март ойи биринчи декадасининг топшириғини барвақт бажарди. Йил бошидан бери 4750 погон метр — мўлжалдан минг метр кўп қудуқ қазилди. Умер Мустафоевнинг пармалаш бригадаси Ғарбий Полвонтош майдонида 3800 метр чуқурликдаги янги қудуқни қазишга киришди. Илғор проходкачилар бош йиллик биринчи йили планини муддатидан икки ой барвақт бажаришга қарор қилдилар.

* * *

Самарқанд билан Навоий номли колхоз ўртасидаги маршрут бўйлаб комфортабель автобуслар қатнай бошлади. Советобод районида учта янги маршрут бўйича мунтазам қатнов йўлга қўйилди. Шу йил областнинг автобус парки «ЛиАз» ва «Икарус» типидаги комфортабель машиналар билан тўлдирилади. Натижада яна 8 та янги трасса очиш мумкин бўлади.

* * *

Калинин номли Қўқон ёғ заводида паловга аталган ўсимлик мойи олиш рецепти ва технологияси ишлаб чиқилиб, ўзлаштирилди. Бу ёғ таркибида чигит ёғи, ўрик магиз ёғи ва узум уруғ ёғи бўлади. Шундай ёғда дамланган палов хушбўй ва гоятда ширин чиқади.

(ЎзТАГ).

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

Самарқанд область, Нурота районининг меҳнаткашлари КПСС XXV съезди меҳнат вахтасида туриб ишлаб, катта меҳнат зафарларини қўлга киритмоқдалар. Улар шонли партиямиз съездидан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан қилинган Ҳисобот докладдан ва съезд материалларидан илҳомланиб, давлатга гўшт ва тухум топшириш бўйича 1976 йилнинг биринчи кварталлари планини муддатидан илгари муваффақиятли бажардилар. Район чорвадорлари давлатга 718,8 тонна гўшт топшириб, планни 101,4 процент қилиб бажардилар. Бундан ташқари, район паррандабоқарлари 107 минг дона тухум тайёрлашга эришиб, квартал планини 102 процент қилиб адо этдилар, давлатга 526 тонна серқаймоқ сут етказиб беришга эришилди.

Бундай юксак марраларни эгаллашда райондаги Ленин номли, Эргаш Жуманбулбул ўғли номли ва Октябрь 50 йиллиги номли хўжаликларнинг чорвадорлари катта ҳисса қўшдилар.

Партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари тўғрисида қилаётган оталарча ғамхўрликларига жавобан, район меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик учун белгиланган план ва мажбуриятларни муддатидан олдин тўла ва ошириб бажариш юзасидан барча тадбирларни амалга оширмоқдалар ва бутун нучни маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун сафарбар этмоқдалар.

МЕХАНИЗАТОРЛАРНИНГ ЯНГИ ОТРЯДИ

ЖИЗЗАХ. Собир Раҳимов номли совхоз янгит ва қизларидан 70 киши механизаторлик касбини эгаллашга қарор берди. Улар учун хўжаликда махсус курс очилди. Тажрибали тракторчилар ва «зангори кема» капитанларидан А. Эшонқулов, М. Зарипов ва Э. Турқмановлар ёш пахтакорлар билан машғулотлар ўтказадилар, совхоз мутахассислари эса уларга лекциялар ўқийдилар.

ЕРНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИ ОШАДИ

НАМАНГАН. Уйчи районидаги Свердлов номли колхоз пахтакорлари ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини ўтган йилдагига нисбатан 2,5 центнер кўпайтиришга ва ҳосилдорликни 39 центнерга етказишга қарор бердилар.

Шу кунларда колхоз далаларида ишлар қизғин. Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили ҳосили учун мустаҳкам замин тайёрлашда. Механизаторлар далаларни текислаш ишларини тугалламоқдалар. Махсус бригада 12 та трактор прицепида ҳар куни далаларга 70-80 тонна органик ўғит ташиб чиқармоқда.

(ЎзТАГ).

ПЛАНЕТАМИЗДА

ИЗЧИЛ, ПРИНЦИПИАЛ СИЁСИЙ ЙЎЛ

Жаҳондаги йирик ахборот агентликлари КПСС XXV съезди ўз ишини тугаллаганлиги тўғрисидаги хабарларида съезд совет ташқи ва ички сиёсатининг ўзгармас сиёсат эканлигини тасдиқлади, деб таъкидламоқдалар. Л. И. Брежнев бу сафар ҳам КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайланганлиги XXIV съезд эълон қилган ва XXV съезд қарорлари билан мустаҳкамланган ҳамда ривожлантирилган йўл бундан буён ҳам давом эттирилишини тасдиқловчи далил деб қаралмоқда.

◆ ◆

ЮПИ агентлиги хабар беради: обзорчиларнинг фикрича, «Совет сиёсатида ҳеч қандай ўзгариш кутилмайди, совет раҳбарлари идеология соҳасида курашни давом эттириш билан бир қаторда халқаро муносабатларда кескинликни юмшатиш сиёсатини давом эттираверадилар».

Агентлик Л. И. Брежневнинг съездни ёпиш вақтида сўзлаган нуткининг батафсил баёнини эълон қилди ва унинг XXV съезд Совет Иттифоки Коммунистик партиясининг съездлари орасида «ўзига хос, алоҳида ўрин олади» деган гапларига катта эътибор берди.

Агентликлар Л. И. Брежневнинг Совет Иттифоки номидан барча мамлакатларнинг коммунистларини, ишчиларини, миллий ва социал озодлик йўлидаги барча курашчиларни ишонтириб айтган қуйидаги сўзларини келтиради: **Совет Иттифокининг коммунистлари ва бутун халқи бундан буён ҳам ўзининг интернационал вазифаларига мувофиқ юксак даражада иш олиб борадилар.**

Кўп шаҳарларда съезд белгиланган барча планлар ва режалар амалга оширилади, деб ишонч билдирилади.

ПРАГА. Чехословакиянинг «Руде право» газетаси съезд ишининг якунларини таърифлаб, қуйидагиларни ёзади: **КПСС XXV съездида муҳокама қилинган масалалар юзасидан делегатларининг тўла якдиллиги совет коммунистлари анжуманининг энг муҳим хусусиятидир. Бу якдиллик олий органлардан тортиб бошланғич ташкилотларгача бутун партиянинг ишини чуқур таҳлил этишда келиб чиқади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари партия ўзининг XXV съездини ғоявий ва сиёсий жиҳатдан бирлаштирди. КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот доклади делегатлар томонидан бир овоздан маъқулланганлиги ана шу жиҳатдан аниқ ифода этади,** деб таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам шундай.

СОФИЯ. Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Цола Драгойчева бундай деди: **Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан партия XXV съездига Ҳисобот доклади қилди. Бу ҳисобот доклади жуда катта аҳамиятга молик ҳужжатдир. Докладнинг мазмуни ҳақиқатан ҳам жаҳон аҳамиятига эга бўлиб, унда реал ва илмий жиҳатдан асослаб берилган буюк истиқболлар белгиланди. Бу докладда коммунистик идеаллинг ёркин хусусиятлари — дониолик ва узоқни кўриш, кенг миқёслар ва тинчлик йўлидаги шижоат ҳамда олижаноблик мужассамлашган.**

БУДАПЕШТ. Венгриянинг «Мадьяр немзет» газетаси қуйидагиларни уқтириб ўтади: **«КПСС XXV съезди Совет Иттифоки халқлари олдида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ва бутун жаҳон жамоатчилиги олдида келажак манзарасини очиб берди. Бу—тинчлик сиёсати ишчилик ва қатъият билан амалга оширилаётганлигини, экономика бир меъёрда жадал ривожлантирилаётганлигини, халқнинг фаровонлиги тобора ошиб бораётганлигини, социалистик демократия кучайиб, халқ ташаббуси тўла рўёбга чиқаётганлигини ифода этади».**

НЬЮ-ЙОРК. Американинг кўп газеталари Совет Иттифокининг халқаро кескинликни юмшатиш сиёсатини давом эттиришга интилаётганлигини табриклайдилар. Бу интилиш съездда ўзининг равшан ифодасини топди. «Криочен Сайенс монитор» газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: **«Л. И. Брежнев ўз докладида Қўшма Штатлар билан муносабатларда кескинликни юмшатиш сиёсати ўтказилаётганлигини тасдиқлади ва бу сиёсат янги жаҳон уруши хавфини камайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнаётганлигини кўрсатди».** Совет партия раҳбари яна бундай деди: **«Келгусида АҚШ билан соз муносабатларда бўлиш учун яхши истиқболлар мавжуддир».**

«Кливленд пресс» газетаси Вашингтони Москвага худди шундай самимият билан жавоб қайтаришга даъват этади. **Бунинг бонси шуки,** деб таъкидлайди газета, **бу нарса «ракета — ядро қуроли ҳаддида бирдан-бир оқилона йўлдир».** Америка ташқи сиёсатининг мақсадлари Совет Иттифоки билан конфронтация ва урушга йўл қўймасликдан, шунингдек савдо-сотиқни ривожлантиришдан, қурол-яроғларни контрол қилиш ҳақида битимлар тузилишига эришишдан иборат бўлмоғи керак, деб ҳисоблайди газета.

ЛОНДОН. Лейбористларнинг ҳафталик «Трибюн» газетаси бугунги сонида қуйидагиларни ёзади: **КПСС XXV съезди урушдан кейинги даврнинг энг муҳим сиёсий воқеасидир.** Газета Л. И. Брежневнинг докладида Совет Иттифоқи халқаро кескинликнинг юмшатилишини янада мустаҳкамлашга, иқтисодий илмий ва маданий соҳаларда ғарб мамлакатлари билан ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган сиёсатни амалга ошириш учун кескин қарор берганлиги таъкидлаб ўтилганлигини қайд қилади. Газета Совет Иттифоқи «совуқ урушга қайтиш мумкин эмас деб ҳисоблаётганлигини айтиб, буни мамнуният билан таъкидлайди.

БОННН. Немис Тинчлик иттифокининг директорати ўзининг махсус баёнотида қуйидагиларни таъкидлайди: **Европада ва бутун дунёда тинчликни янада мустаҳкамлаш юзасидан Л. И. Брежнев илгари сурган ва КПСС XXV съезди маъқуллаган таклифлар совет халқининггина эмас, бошқа халқларнинг, шу жумладан Германия Федератив Республикаси аҳолисининг ҳам манфаатларига мос бўлиб тушади.**

«Нойе Рейн — цайтунг» газетаси бугунги сонида халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик тўғрисидаги жаҳон шартномасини тузиш хусусида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари докладида баён қилинган таклифнинг аҳамиятига яна тўхталиб ўтади. **Бу таклиф,** деб ёзади газета, **бир қанча икки томонлама шартномалар тузилганлиги, жумладан Бонн билан Москва ўртасида шартномалар тузилганлиги натижасида тўпланган ижобий тажрибага таянади ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уставига асосланади. Бу устав Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган барча давлатлар зиммасига ўз ўрталарида келиб чиқадиган низоларни** тинч воситалар ёрдамида бартараф қилиш мажбуриятини юклайди.

ТОКИО. Япония газеталари бугунги сонларида совет коммунистларининг олий анжуманида асосий эътибор замонамизнинг энг муҳим масалаларига—бутун жаҳонда тинчлик бўлишини таъминлаш, турли социал системадаги мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, СССРда бундан бўёнги иқтисодий қурилиш планларига қаратилганлигини уқтириб ўтади. «Санкэй симбун» газетаси **Совет Иттифоқи Европадаги вазиятни стабилштириш мақсадида бу қитъадаги қуролли кучларни қисқартириш тўғрисидаги таклифлар билан майдонга чиққанлигини** эслатиб ўтади.

(ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ЗАРБДОР МЕҲНАТ

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасининг кончилари шу йил бошидан буён пландан ташқари 1,2 миллион тоннадан кўпроқ кўмир қазиб олдилар. Улар ўзларининг зарбдор меҳнатларини КПСС XXV съездига ва Германия Бирлашган социалистик партиясининг якинлашиб келаётган IX съездига бағишламоқдалар. Кончилар орасида кунлик план топшириқларини ошириб бажариш, иш вақти ва техникадан рационал фойдаланиш учун, электр энергияни тежаш учун бошланган социалистик мусобақа кенг авж олиб кетди.

МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕА

ВАРШАВА. Халқ Польшасининг шаҳар ҳамда қишлоқларидаги кўчаларни ва майдонларни «Биз социалистик Польша учун овоз берамиз» деган сўзлар ёзилган ранг-баранг плакатлар безаб турибди. 21 мартда поляк халқи ўзининг энг яхши вакилларини Польша Халқ Республикаси сеймига ва воевода халқ кенгашларига сайлайди. Ҳозирги вақтда мамлакатда депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Ана шу учрашувлар вақтида республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳозирги ва келгусидаги вазифалари, ПХРда ривожланган социалистик жамият қуриш программаси муҳокама қилинмоқда.

Сеймга 460 депутат, воевода халқ кенгашларига 6.740 депутат сайланади.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

БУДАПЕШТ. Бу йил Венгрияда алоқа техникаси ишлаб чиқарилиши ишлаб чиқариш 8-9 процент кўпаяди. Венгрия алоқа техникаси саноати олдида турган вазифаларнинг ҳал этилишида Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар корхоналари билан олиб борилаётган самарали ҳамкорлик муҳим роль ўйнамоқда. Белоянис номли алоқа техникаси заводи коллективи совет корхоналари билан якин ҳамкорликда энг янги электрон ускуналар билан жиҳозланган автомат телефон станциясининг тажриба намуналарини тайёрлай бошлашни мўлжалламоқда. Корхонанинг ана шу ва бошқа маҳсулотлари СССРда ҳамда бошқа қардош мамлакатларда кенг кўламда харид қилинмоқда.

ЕРҚИН НАМУНА

ПРАГА. Пльзендаги «Шкода» машинасозлик бирлашмасининг жадал ривожланаётганлиги социалистик иқтисодий интеграция комплекс программаси амалга оширилаётганлигининг ёркин намунасидир. Бирлашма ўзининг ихтисослаштирилган маҳсулотининг қариб ярмини Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатларга етказиб бермоқда. «Шкода» бирлашмаси қардош мамлакатлар учун металлургия асбоб-ускуналари, автомат линиялар ва станоклар, электровозлар ва тепловозлар ишлаб чиқармоқда. Ушбу бош йиллиқда «Шкода» ўзининг энг йирик буюртмачиси — Совет Иттифокига етказиб берадиган маҳсулотлари ҳажми икки баравар кўпаяди.

ҒАЛЛАКОРЛАР ЁРДАМЧИСИ

БУХАРЕСТ. Шу кунларда давлат хўжалиги ва кишлок хўжалик кооперативлари далаларида бортида «АУ» белгиси бўлган самолётлар ва вертолётларни учратиш мумкин. Тўққиз уезддда далаларга ўғит солина бошланди. Учувчилар ҳозирнинг ўзидаёқ 120 минг гектардан кўпрок майдонга ўғит сочдилар.

(ТАСС).

ПЛАНЕТА АҲОЛИСИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). 1974 йилнинг ўрталарида ер куррасининг аҳолиси 3,89 миллиард киши бўлган. Аҳоли ўсишнинг ҳозирги суръатлари сақланиб қолдиган бўлса, 2010 йилга бориб ерда қариб 8 миллиард киши яшайди, деб хабар беради Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг демократик йилномаси.

Оснё планетамизнинг энг сераҳоли районидир, йилнома маълумотларига кўра, бу ерда 1974 йил 2 миллиард 206 миллион киши — ердаги жами аҳолининг ярмидан кўпроғи яшаган. Ундан кейин 550 миллион аҳолиси билан Шимолий ва Жанубий Америка, 470 миллион аҳолиси билан Европа, 391 миллион аҳолиси билан Африка, 21 миллион аҳолиси билан Австралия ва Океания келади. Йилнома Совет Иттифоқининг аҳолисини алоҳида кўрсатган, ўша вақтда у 252 миллион киши бўлган.

Африкада умр давомати жуда паст бўлган — шу қитъадаги 19 мамлакатда киши умрининг ўртача давомати ҳатто 40 ёшгача ҳам бормайди.

Африка қитъаси билан Латин Америкасида болаларнинг нобуд бўлиш даражаси ғоятда юқори.

Айни маҳалда шу қитъалардаги мамлакатларда аҳоли ўсиши энг юқори даражада бўлиб, бутун планета бўйича йилига ўрта ҳисобда 1,9 процент бўлгани ҳолда бу ерда 2,7 процентни ташкил этади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ЛОМЕ. Того пойтахти аҳолисидан ўн мингдан кўпроқ киши КПСС XXV съездига бағишлаб ташкил қилинган «СССРда ҳаёт: ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун» деб аталган совет фотовиставкасини бориб кўришди. Улар экономика, илм-фан, маданият соҳасида Советлар мамлакати эришган ютуқлар тўғрисида, совет кишиларининг меҳнати ва дам олиши ҳақида ҳикоя қилувчи совет фотографияларининг асарлари билан танишдилар.

Виставка билан айни бир вақтда совет китоблари ва вақтли нашрларни сотиш уюштирилди, совет ҳужжатли фильмлари намойиш қилинди.

◆ КОПЕНГАГЕН. Данияниинг испан ватанпарварлари билан бирдамлик комитети Испаниядаги барча сиёсий маҳбусларнинг озод этилишини ва испан ватанпарварларига ватанига қайтиб бориш имконияти яратиб берилишини талаб қилиб чиқди. Ана шу талаб баён қилинган хитобнома Испаниянинг Копенгагендаги элчихонасига топширилди.

◆ ТОКИО. Япония таниқли жамоат арбоблари, ёзувчилари, олимлари, диний доираларнинг вакиллари ва санъат арбобларидан катта бир группаси эълон қилган баёнотда жанжалли «Лохид» ишини синчиклаб текширишни талаб қилмоқда. Японияниинг саздосаноат ва ҳукумат доиралари, ҳукмрон либерал-демократик партияси раҳбарларининг Америка ҳарбий монополиялари билан алоқасидан далолат беруччи бу иш, деб таъкидлашди улар. Япония халқи ўртасида ғазаб ва нафрат туғдирмоқда.

◆ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон жут саноати ишчиларининг миллий иттифоқи мамлакат экономиясининг муҳим тармоқларидан бири бўлган жут саноатининг даҳлсиз национализация этилишини талаб қилди.

(ТАСС).

МАОИЗМ—ХИТОЙ ХАЛҚИНИНГ ДУШМАНИ

ВАРШАВА. «Жолнеж вольности» газетаси қуйидагиларни ёзади: Ҳозирги вақтда Хитойдаги ҳукмрон маочи доиралар ўртасида ҳокимият учун кескин кураш давом этмоқда. Шу билан бирга кенг халқ оммаси маочи ҳарбий — бюрократик диктатурага тобора қаттиқ қаршилик кўрсатмоқда.

ХХР Давлат Кенгаши бош секретарининг ўринбосари Дэн Сяо-пинга қарши ва у таянган кишиларга қарши бошланган сиёсий кампания, деб таъкидлайди газета. Хитойнинг энг юқори раҳбарлик доирасида ички сиёсий кураш давом этаётганлигини ёркин кўрсатиб берди ва Пекин ҳукмдорлари қароргоҳи чуқур парокандаликка учраганлигини тасдиқлайди.

Ҳокимият учун сиёсий курашнинг кучайганлиги, деб таъкидлайди «Жолнеж вольности» газетаси, янги «маданий революция»га олиб келиши мумкин. Баъзи белгилар бундан далолат бериб турибди. Масалан, «маданий революция»дан кейин қишлоққа сургун қилинган собиқ хунвэйбинларга мансуб гуруҳлар «тажриба алмашиш» мақсадида вилоятлардан ХХР пойтахтига келмоқдалар. Матбуотда 1965—1970 йилларга хос бўлган экстремистик шиорлар пайдо бўлмоқда.

ХКПнинг барча босқичларида ва звеноларида бу партия пароканда бўлиб қолганлиги ҳам шубҳасиз фактдир. Маочилар ҳозирги пайтда ҳам, яқин келажакда ҳам ҳаракат бирлигининг муштарак платформасини тузиб чиқишдан ожиз бўлиб қолдилар. Аслини олганда маоизм «мўътадиллар» ва «сўллар» деб номланган икки фракцияга ажралиб кетиш ўқида турсин бир-бири билан жиққа муш бўлган гуруҳлар, оқимлар ва йўналишлардан иборат қурама бир нарса бўлиб қолди.

Маочиларнинг сиёсати, деб уқтириб ўтади «Жолнеж вольности», Хитой халқининг манфаатларига зиддир. Қишлоқларда Пекининг «капиталистик анъаналар»ни тугатиш баҳонаси билан томорқа участкаларни йўқотиш йўлидаги уринишларидан норозилик ва бу уринишларга қарши кураш кучайиб бораяпти. Хитой ишчилар синфи орасида ҳам катта ғалаёнлар давом этяпти. Темирйўлчилар, шахтёрлар, металлургларнинг, тўқувчилар ва шу синфларнинг бу ғалаёнларда қатнашмоқдалар.

(ТАСС).

АХБОРОТ

ФАРҒОНА

Адирларда изен ўтлоқлари

Область чорвадорлари орасида изен сўзи тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Қурғоқчиликка чидамли, тўйимлилиги ва серҳосиллиги билан алоҳида ажралиб турадиган изен ўтлоқлари барпо этишга кўпгина хўжаликлар алоҳида эътибор бермоқдалар. Адирларда, дашт жойларида ўсадиган бу ўт икки-уч йил ичида яхши ҳосилга кириб 15-25 центнергача хашак ва 2-3 центнергача уруғ бериши мумкин. Ёнингарчилик яхши бўлган йиллари эса изендан гектар бошига 60 центнергача хашак ва 8 центнергача уруғ олинади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника илмий-тадқиқот институти ўсимликлар экологияси лабораториясининг мудири, биология фанлари доктори Ў. Ҳасанов область территориясидаги дашт ва адирларни ҳамда уларнинг хусусиятларини ўрганиб чиқиб, минглаб гектар ана шундай жойларда изен ўтлоқлари ташкил этиш мумкинлигини исботлади. Бепоён Арсиф массивида, Қува адирларида, «Коммунизм» колхози, «Қувасой» ва «Шарқ юлдузи» совхозларининг дашт ерларида ҳозир қарийб юз гектар изен ўтлоқлари барпо этилди.

Олим қатор хўжаликлар билан қатъий ҳамкорликда сунъий изен ўтлоқлари барпо этиш йўлида самарали иш олиб бормоқда. Ҳосилга кирган изензорлар 12-15 йил давомида чорва учун мўл тўйимли озуқа ва уруғ бериши мумкин.

Колхозчилар—курортларга

Фарғона райончидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз правлениеси биносига яқинда бир гуруҳ пахтакорлар тўпланишди. Улар пахта далаларига, боғлар ва экинзорларга оби-ҳаёт таровчи — сувчилар эди. Колхоз раиси А. Халимов Розиқ Азимов, Анвар Узоқов, Мамажон Аминжонов, Оловиддин Восижонов, Байдулло Ҳайдаров, Комилжон Каримовларнинг номларини алоҳида айтиб, колхоз правлениеси ва партия комитети уларни Кисловодскдаги курортлардан бирига дам олишга юборишга қарор қилганликларини билдирди. Путёвкалар айни пайтда эгаларига топширилди.

Колхознинг яна тўққиз аъзоси Қора денгиз бўйларига дам олиш учун жўнайди. Шундай қилиб, бевосита ишлаб чиқариш билан банд бўлган пахтакорлардан 35 киши маҳоссий курорт ва санаторийларда дам олиб қайтадилар.

Маҳсулотларга сифат белгиси

Фарғона пойафзал фабрикаси республикамиздаги кенжа корхоналардан бири. Аммо, фабриканинг ишлаб чиқариш қуввати тез ошяпти, янги-янги цехлар ишга тушириляпти, маҳсулот хиллари кўпайиб бормоқда. Якуловчи йил давомида корхона 82 моделда пойафзал ишлаб чиқарди. Шулардан иккитасига биринчи марта давлат Сифат белгиси берилди. Булар орасида болалар пойафзаллари бор.

Фабрика ишчи ва хизматчиларининг ўнинчи беш йиллигининг дастлабки йили режалари янада улкан. Улар 4 миллион 750 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқаришни мўлжаллаб турибдилар. Конвейерлардан 100 хил моделдаги пойафзаллар тушади. Корхона коллективи яна 3 хил моделга Сифат белгиси олиш учун курашмоқда.

О. ҲАКИМОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

КПСС XXV ва Ўзбекистон Компартияси XIX съездига бағишланган республика бадиий кўргазмаси ўзбекистонлик мусаввирлар билан халқ усталарининг ўзига хос ижодий ҳисоботи бўлиб қолди. Ўзбекистон рассомлар союзининг кўргазмалар залида намойиш этилаётган ранг-баранг асарлар томошабинлар қалбини ром этиб, уларни санъатнинг сеҳрли дунёси билан таништирмоқда. Суратларда: кўргазма экспонатлари. Чапдан — тошкентлик уста В. Дудин биллурдан ясаган «Тинчлик» композицияси. Ю. Зорькиннинг «Тошкент оқшоми» расми олдида. М. Трошин сайқал берган заргарлик буюмлари.

В. Таран фотолари.

Николай Васильевич КИМБЕРГ

Эиг кекса тупроқшунос олим, биология фанлари доктори, профессор Николай Васильевич Кимберг тўсатдан вафот этди. Н. В. Кимберг 1905 йилда Оренбургда туғилди, 1921 йилдан буён эса Тошкентда яшади. Ишчи бўлди, ишчилар факультетини ва олий ўқув юртини тамомлаб чиқди.

Н. В. Кимбергнинг бутун ҳаёти Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги тупроқшунослик ва агрохимия институти билан чамбарчас боғланди. У 1927 йилдан буён университет тупроқшунослик ва геоботаника институтининг тупроқшунос олими, кейин эса бўлим мудири, тупроқшунослик институти илмий ишлар бўйича директорининг ўринбосари, сўнгги йилларда эса тупроқ генезиси ва географияси лабораториясининг раҳбари бўлди.

Н. В. Кимберг Ўзбекистон ва Ўрта Осиё тупроқшунослиги бўйича эълон қилинган кўпгина асарларнинг муаллифидир. У Ўзбекистоннинг тупроқшунослик классификациясини яратди. Районларнинг иқлимий тупроқшунослик шароитларини белгилаб берди, пахтачиликнинг ер ресурсларини ўрганиб тасвирлаб берди, «Ўзбекистон дашт зонасининг тупроғи», «Ўзбекистон ССРнинг тупроғи», «Ғўза» каби йирик монографияларни ва бошқаларни ёзди ҳамда таҳрир қилди.

Николай Васильевич. умрининг сўнгги кунларигача тупроқ қатламларини ўрганувчи экспедицияларда қатнашиб, Ўзбекистоннинг тупроқ харитасини янги очилган жойлар билан тўлдирди.

Н. В. Кимберг институтда узоқ йиллар ишлаш давомида кўпгина шогирдлар тарбиялаб етиштирди. Улар ҳозирги вақтда ҳам Ўзбекистоннинг ва Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларидаги кўпгина шаҳарларда ишлаб келяпти.

Партия ва Совет ҳукумати Н. В. Кимбергнинг меҳнатига юксак баҳо бердилар. У Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени, медаллар ва Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди. Унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном деган юксак унвон берилди.

Пирик олим ва ажойиб ўртоғимиз орамиздан кетди. Унинг ёрқин хотираси қалбимизда сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

ФАНДА ЯНА БИР САҲИФА

Ернинг қобиғи йигирма-олтмиш километр қалинликда бўлиб, бу бундан 4,5-5,5 миллиард йил муқаддам шаклланган. Шу даврга мансуб тоғ жинслар фақат Греландия, Африка ва Сибирда маълум эди. Сўнгги йилларда шу хилдаги жинслар Тянь-Шань тоғларида ҳам топилди. Уларнинг ёши 3 миллиард йилга тенг.

Яқинда Узбекистон ССР «Фан» нашриётида чоп этилган Ўрта ва Ғарбий Тянь-Шаннинг кембрийгача бўлган даври ҳақидаги китобда мазкур тоғ жинсларнинг Ўрта Осиёда топилиши, тарқалиши, хусусиятлари, геология фани учун аҳамияти ва улар билан боғлиқ ҳолда учрайдиган фойдали қазилмаларнинг янги турлари баён этилган. Планетамизда ҳозиргача маълум бўлган энг қари жинслар ҳосил бўлган даврнинг — кембрийгача деб юритилади ва материкларнинг 10 процентини ташкил этади. Бундан ташқари қалайи, мис, вольфрам, олтин, кўргошин, кумуш, никель висмут, фосфорит, ҳатто нефть ва газ конлари бор. Кембрийгача бўлган тоғ жинсларидан ажойиб қурилиш материаллари сифатида ҳам фойдаланилади.

Яқин йилларгача ҳам Ўрта Осиё геологлари лексикасида кембрийгача деган термин учрамасди. 1972 йилда Москвада «Недра» нашриёти босиб чиқарган «Узбекистон ССР геологияси» китобида ҳам бу жинслар ҳақида маълумот берилмаган. Кейинги йилларда геолог олимларимизнинг чуқур изланишлари самарали бўлди. Камёб қари жинслар Ғарбий Узбекистонда топилди.

Ер қобиғининг кўндаланг кесимидаги тоғ жинсларининг ҳосил бўлиш жараёни икки босқичдан: фанерозой ёки кўримли ҳаёт босқичи (бу босқич ўз ичига кайнозой, мезозой ва полеозой геологик даврларни олади) ва криптозой ёки кўримсиз жаёт босқичи (у протерозой ва архей эралардан) иборат. Ернинг ёшига нисбатан фанерозой 500 миллион, криптозой тўрт миллиард йилга тенг даврни ўз ичига олади.

Йигирманчи асрнинг 60-йилларида кембрийгача бўлган жинсларнинг ёши ҳам аниқланди. Чунки қадимги қатлам орасида сакланиб қолган бактерия ва сув ўсимликлари қолдиклари топилди.

Организмлар қолдиғини синчиклаб ўрганиш туфайли ва радиометрик усул ёрдамида протерозой эраси венд ва рифей кисмларга ажратилди. Ўрта Осиёда страмотолитлар қолдикларини қари жинслар орасида мавжудлиги асримизнинг 20-йилларидаёқ маълум бўлган эди.

Иттифоқимиздаги рифей даври жинсларининг ёши аник усуллар воситасида бир миллиард йилга тенглиги, палеозой билан кембрийгача бўлган чегараси 570 миллион йил эканлиги аниқланди.

Кембрийгача бўлган жинслар ўз ҳажмига кўра, ер қобиғининг тўртдан уч қисмини ишғол этади. Қобиқнинг қуйи кисмини ташкил этувчи жинслар ёши беш-олти миллиард йилга тенг деб, тахмин қилинади.

1962—1965 йилларда геология-минералогия фанлари доктори М. Аҳмаджонов бошчилигидаги илмий группа Узбекистоннинг палеозой даври учун тектоник харитани тузиш жараёнида Ғарбий Узбекистонда кембрийгача бўлган даврга мансуб жинслар тарқалган майдонлар чегарасини белгилади. Улардан олинган намуналар атрофлича ўрганилди. Топилган янги белгилар кембрийгача бўлган даврни исботловчи ишончли далил эди. Изланиш қизғин давом этди. 1967 йилда эса бу жинслар шу даврга мансуб бактерия ва сув ўсимликларининг жуда оз колдиклари аниқланди. Кейинчалик кембрийгача бўлган жинс бошка жойларда — Чотқол, Ҳисор тоғларида ҳам топилди. Улар 1-3 миллиард ёшга тенг эди. Энг қари жинслар қандай қилиб ер юзасига чиқиб колади?

Маълумки, ерда ёш жинслар қатлами юқорида, нисбатан қари жинслар тубанликда ётади. Сўнгги ўтган бир-икки миллион йилни олсак, шу вакт ичида содир бўлган тектоник харакатлар туфайли олти-саккиз километр чуқурликда ётган қатламлар ер юзасига кўтарилади. Унинг устидаги кайнозой, мезозой ва палеозой даврининг қатламлари ёмғир, шамол ва гравитацион кучлар таъсирида майдаланади, ўз жойидан бошқа жойга кўчади. Уларнинг заминидаги қари жинслар юзага чиқиб, очилиб колади. Бундай геологик жараёнларга кўра, ҳатто 20-25 километр чуқурликда ётган жинслардан геолог оддий болға ёрдамида намуна синдириб олиш ва ўрганиш имкониятига эга бўлади.

Кембрийгача бўлган жинсларнинг моддий таркиби лойтош, қумтош, вулкон, интрузив жинслар, оҳактошлардан иборат. Бу жинслар маълум геологик вакт ўтиши билан тубанликда колиб кетади, катта босим, юкори ҳарорат, иссик сувлар таъсирида ўзгариб, қаттиклиги жуда юкори, кора рангли, тарам-тарам кўринишли «гнейс жинс»га айланади. Бу жараён 20-25 километр чуқурликда кечади.

Кембрийгача бўлган жинслар ўз навбатида қандай жинслар устида ётади? Муаммони ёритишда сейсмологик усул кўл келади. Олинган сейсмик маълумотлардан равшан бўлдики, Ўрта Осиёда ер қобиғининг қалинлиги уч қатламга: чўкинди (7-9 километр), гранит ва базальт жинсларга бўлинади. Қобиғ эса «мантия» (қалинлиги 2900 километр) устига жойлашган.

1974 йилда Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги И. Ҳамробоев, геология-минералогия фанлари докторлари В. Г. Гарковец, М. Аҳмаджонов, О. И. Борисов, И. Мирҳўжаев, Е. И. Бутовская ва бошқалар иштирокида Ўрта Осиё ер қобиғининг геологик-геофизик модели яратилди. Бу махсус қурилма шуни кўрсатдики, ер қобиғининг энг юкори қатлами — кайнозой, мезозой, палеозой, кисман протерозой жинсларини ўз ичига олади.

Африкада ва Сибирда «портлов кудуқлари» номи билан юритиладиган тик бўшлиқлар маълум. Бўшлиқлар асосан, олмосли кимберлит билан зичланган. Бу ерда кимберлитлар билан бирга Ер қобиғининг базальт қатлами, ҳатто мантиянинг намуналари ҳам учрайди.

Узбекистонда «портлов қудуқлари» 1958 йилда Жанубий Ҳисорда, сўнгра Ғарбий Узбекистонда асосан кембрийгача бўлган жинсларга боғлиқ ҳолда кўплаб топилди. Табиий қудукнинг оғиз кенглиги 10х5 метр ва 250х50 метр, чуқурлиги 30-40 километрга тенг. У қиррали тош синиқлари билан тўлган. Таркиби сиенит-порфир, монцонит, базальтоиддан ташкил топган, 800-900 даражали юқори ҳарорат ва 20 килобар босим таъсирида ҳосил бўлган. Мазкур жинслар 30-40 километр ётган базальт қатламидан чиккан. Кизикарли томони шундаки, қудуқдаги синиқ жинслар орасида ўзгариб кетган чўкинди жинслар ҳам бор.

Хуллас, кембрийгача бўлган жинслар ҳамда «портлов қудуқлари»нинг кашф этилиши билан Ўрта Осиё геологиясида янги саҳифа очилди. Бу республикамизда фойдали казилмаларнинг юкорида зикр этилган, аммо ўлкамизда ҳали очилмаган янги хил кочлари очилишига умид бағишлайди.

Жаҳонга машҳур Кўрск магнит аномалияси конида темирли кварцитлар темирнинг асосий рудаси бўлиб ҳисобланади ва кембрийгачэ бўлган жинслар орасида ётади. Бу далил ҳам кембрийгача бўлган жинслар Ўрта Осиёда порлоқ истикболга эга эканлигини кўрсатади. Ер ости конларининг қари жинсларда беркиниб ётган янги турларининг, ҳатто олмос уюмларининг очилишига ишонч туғдиради.

Қ. ҚОРАБОЕВ, геология-минералогия фанлари кандидати.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ЖОНИВОРЛАР ЖОНЛАНДИ

«Бадайтўқай» қўриқхонасининг илмий ходимлари Москвага фотосуратлар, расмлар, ўз кузатишларининг натижаларини юбордилар. Бу материаллар СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида мамлатимизда атроф муҳитни мухофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида ҳикоя қилиб берадиган экспонатлар орасидан жой олади.

«Бадайтўқай» — Ўзбекистондаги ёш қўриқхоналардан бири. Лекин бу қўриқхона ёш бўлишига қарамасдан Амударё этакларида ландшафтни, жониворлар ва ўсимликлар дунёсини сақлаб колиш, қайта тиклаш ва ривожлантириш борасида ҳозирнинг ўзидаёқ анча ишлар қилди. Қўриқхона директори, биология фанлари кандидати В. Лим ЎзТАГ мухбирига қўйидагиларни айтди:

— Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида иштирок этиш — коллектив учун юксак ҳурмат-эҳтиром ва мухофотдир. КПСС XXV съездида атроф муҳитни муҳофаза қилишни қучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. «Бадайтўқай» қўриқхонасининг ходимлари табиатни мухофаза этиш соҳасида анчагина илмий тадқиқотларни амалга оширдилар, бу соҳадаги ишларни оммалаштириш ва кенгайтириш учун астойдил уриндилар. Тадқиқотларнинг натижалари мунтазам равишда эълон қилиб турилди ва илмий доираларда тузукина баҳога сазовор бўлди. Ана шу тадқиқотларга асосланган ҳолда мухофаза ва биотехника тадбирлари комплексининг амалга оширилиши яхшигина самара берди. Қисқа вақт ичида катта майдонларда тўқайзор ўрмонлар қайта тикланди, ёввойи жониворларнинг сони кўпайди.

Қўриқхона территорияси тез орада кенгайтирилади, унга Тўртнўл районидаги «Тўлдиқ» деган жой ҳам қўшиб берилади.

ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ГЕОЛОГЛАР УЧУН СКРЕПЕРЛАР

Тошкентдаги «Геологразведка» заводида геологияразведка қазиш ишларини механизациялаш учун мўлжалланган оригинал скрепер қурилмалар ишлаб чиқарилди.

Геологларга фойдали қазилмаларни топиш учун чуқур траншеялар навлашга тўғри келар эди. Бу иш яқин вақтларгача қўлда бажарилар эди. Конструкторлар олдига қазилмаларни қазиб топиш жараёнини механизациялаштириш вазифаси қўйилди. Москвалик мутахассислар бутун бир ишчилар бригадаси меҳнати ўрнини боса оладиган конструкция яратдилар.

Скрепер қурилмаси ариқ ва зовурлар қазишга ҳам мослаштирилган. Мазкур механизмдан геология-қидирув ишлари ўтказилаётган ва бориш қийин бўлган жойларда фойдаланиш мумкин. Қурилма енгил ва ишлатиш учун қулай.

Механизмларнинг тажриба учун ишлаб чиқарилган туркуми «Ташкентгеология» бирлашмасига қарашли Олмалиқ геология-разведка экспедициясида синаб кўрилади. Келгуси йилдан бошлаб ер ости бойликларини қидирувчилар билдирган таклиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинганидан кейин скрепер қурилмалар кўплаб ишлаб чиқарила бошлайди.

Е. ГАЙНУЛИН, ЎзТАГ мухбири.

СПОРТ

ГИМНАСТИКА. Тбилисида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган мамлакат биринчилигида Ростов-донлик Светлана Гроздова билан грузиялик студент Паата Шамугия биринчи марта СССРнинг мутлақ чемпиони номига сазовор бўлишди.

ХОККЕЙ. Иккинчи лиганинг шарқий зонаси коллективлари бақсида Тошкентнинг «Бинокор» командаси хоккейчиларни ҳамон пешқадамлик қилиб моқда. Бинокорчилар чемпионатнинг якунловчи ўйинларидан бирини Новосибирскда ўтказишди. Биринчи ўринга асосий даъвогар ҳисобланган Новосибирск армиячилари билан ўйинда тошкентликлар (2:0,1:1) устун келиб, мавқеларини янада мустаҳкамлашди. Сўнгги учрашувларни армиячилар сафарда, бинокорчилар эса ўз майдонида ўтказишади.

ФУТБОЛ. Душанбада Ўсмирлар ўртасидаги халқаро мусобақалар тугади. Анъанавий VI турнир голиби бўлиш бу сафар СССРнинг биринчи командаси футболчиларига насиб қилди.

ФИГУРАЛИ УЧИШ. Гётеборг шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати мусобақалари иштирокида ўтди. Совет спортчилари бу сафар ҳам мусобақаларни муваффақиятли ўтказишди. Маҳоратли фигурачиларимиздан Ирина Роднина билан Александр Зайцев, Людмила Пахомова билан Александр Горшковларнинг чиқишлари мухлисларда унутилмас таассурот қолдирди. Фигурачиларимиз жаҳон чемпионатидан иккита олтин, иккита кумуш ва битта бронза медаль олиб қайтишди.

ПИРУ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

ИККИНЧИ АСР ОДИМИ

Сирдарё шаҳрининг Киров кўчасидаги серфайз хонадон. Сочлари кумушдек оқарган онахонинг сўзларини бир соатчадан бери ҳузур қилиб тинглаяпмиз. Чинор умрини кўрган бу табаррук инсоннинг тетиклиги, ҳаракатчанлиги, гапларининг бурролиги-ю, хотирасининг тиниқлигидан ҳайратланамиз. Холбуви Холик қизи ўзининг бир асрлик умрида ҳаётнинг паст-баландини обдон кўрган. Мўътабар ая ота-онаси, туғилиб ўсган қишлоғи ва Мирзачўлга келган йиллари ҳақида ҳаяжонланиб ҳикоя қиларди.

— Асли Сирдарёнинг нариги ёғидан — Чинознинг Яллама қишлоғидан бўламиз, — дейди Холбуви ая. — Бутун аждодимиз деҳкон ўтган, ҳа, суяги деҳкончиликда котган. Болаларнинг отаси билан ўттиз беш йилдан ортик турмуш қурдик. У кишининг қазо қилганларига ҳам мана эллик беш йилдан ошди.

Холбуви ая ўн тўрт фарзанд кўрди. Унинг тўрт ўғли авжи навкирон чоғида очарчилик ва касаллик туфайли вафот этишди, ўн тўққиз ёшида фронтга отланган ўғли Эльмуҳаммад дом-дараксиз кетди. Кичик ўғли Юсуф Ашуров эса немис-фашист босқинчиларига қарши беш йил жанг қилиб, урушдан икки оёғидан ажралиб қайтди.

Аянинг Холича исмли катта қизлари етмиш олтига кирган бўлсалар, кенжа қизлари Фотима опа ҳам эллик бешдан ошдилар. Ая ҳозирги кунда катта хонадоннинг соҳиби, катта сулоланинг асосчиси: етмишга якин невара, чевара ва эваралари бор.

...105 баҳорни кўрган Холбуви аянинг, ўз таъбири билан айтганда, «сира тинчлиги йўқ». Яқиндагина онахонинг эваралари яна икки нафарга кўпайган эди. Бугун бўлса совчилар онахондан фотиҳа олгани келишибди. Улар аянинг энг кичик набираларидан бири, Сирдарё шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг ишчиси Одилжонга суюклиси Шарофатхонни унаштириш учун Ленин номли колхозга кетишаётган экан. Иккинчи асрга қадам қўйган ая кексаларга хос куюнчаклик билан тўй, невара келин ташвишига тушиб қолганлар...

А. УМАРОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Телевидение

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.15— ТОШКЕНТ. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Жонажон ўлка. 19.00 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — **«Ахборот».** 19.30 — Халқ ижматида. 19.50 — Озуқа ишлаб чиқариш резервлари. 20.20 — Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофотига номзодлар. Зулфия. «Камалак». 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Концерт. 22.00 — МОСКВА. **«Вақт».** 22.30 — **Хоккей: «Химик» — «Динамо»** (М). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 18.15 —МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Қувноқ ноталар. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — Концерт. 20.45 — Телефильм. 21.30 — Катталар учун мультфильмлар. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.55 — ТОШКЕНТ. 19.00 — Ўқув кўрсатуви. 20.00 — Янгиликлар 20.15 — **Баскетбол: «Скиф»** (Тошкент) — **«Инждорстрой»** (Кишинев). 21.15 —Беш йиллик маршрутлари бўйлаб. 21.45 — Ўқитувчилар учун консультация.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/III да **Кўк эшик ортидаги аёл,** 11/III да **Уйланиш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/III да **Комедия, комедия ёхуд ҳангома,** 11/III да **Сув келтирган азиз .**

Кино

Она табассуми — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечкурун), «ЧАЙКА» (10.00, 11.45, 13.45, 15.00, 17.00, 18.45, 20.30, 22.00), ҚОЗОРИСТОН» (11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00), НАВОИЙ номли (11.00, 13.00 15.00, 17.00, 19.00, 21.00), «ВОСТОК» (10.00, 12.00 14.00, 16.00, 18.00, 20.45), ҲАМЗА номли (11.00, 12.30, 14.00, 15.30, 17.00, 18.30, 20.00), «ДРУЖБА» (11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.20, 21.00), «НУКУС» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.45), «МОСКВА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 19.00, 21.00).

Алло, такси! — «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.30), «МИР» (11.00, 13.00 15.00, 17.00, 19.00, 21.00), С. РАҲИМОВ номли (12.00 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.30).

Сентябрь бошларида — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Дельфин куни — Ғ. ҒУЛОМ номли (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.30).

Виннету — Инчу-чун ўғли (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 21.00) — «ЯНГИОБОД».

«СУРХАНСОВХОЗВОДСТРОЙ» қурилиш ишлаб чиқариши бирлашмасининг 2-КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯ КОЛОННАСИГА **ғишт терувчилар, дурадгорлар, суводчилар**

КЕРАК

МЕҲНАТ ҲАҚИ ИШБАЙ, ишчиларга район коэффициенти ҳамда иш кўчма характерда бўлганлиги учун 1,65 коэффициенти қўшиб тўланади.

Ёлғиз кишилар ётоқхона, оилаликлар уй-жой билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Сурхондарё область, Шеробод шаҳри.

«СОЮЗЛИФТМОНТАЖ»нинг ЎРТА ОСИЁ МОНТАЖ УЧАСТКАСИ **лифтларнинг слесарь-монтажчиларини тайёрлайдиган 6 ойлик** КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ УТАБ ҚАЙТГАН 8-10 СИНФ ҲАЖМИДАГИ МАЪЛУМОТИ, 18 ВА УНДАН КАТТА ЕШДА БУЛГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади ва улар ётоқхона билан таъминланадилар.

Кирувчилар: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, меҳнат дафтарчаси, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат ва медицина справкасини топширадилар.

МАШҒУЛОТЛАР СВЕРДЛОВСК ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ (Йўл харажатлари берилади).

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Чилонзор» массиви, 6-квартал, «Россия» шаҳарчаси, «Союзлифтмонтаж». Телефонлар: 77-66-80, 77-66-82.

ЯНГИЙЎЛ БРОЙЛЕР ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАСИГА

бош электрик инженер, механик инженер, контроль-ҳисоблаш асбоблари ва автоматика бўйича инженер, паррандачиликдан хабардор зоотехник ва ветврач, паррандабоқарлар, асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш бўйича слесарлар, слесарь-сантехниклар, газ қозонлари операторлари, электромонтёрлар, ремонт бўйича қурувчи ишчилар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Ишга қабул қилинувчилар барча қулайликларга эга бўлган шинам квартиралар (оилада камида икки ишловчи бўлиши лозим), **ёлғиз кишилар эса ётоқхоналар билан таъминланадилар.**

БОЛАЛАР БОҒЧА-ЯСЛИСИ, МАКТАБ МАВЖУД.

Янгийўл шаҳридан то паррандачилик фабрикасигача рейс бўйича автобус қатнайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппарати ҳамда Ишлар бошқармасининг партбюро ва маҳаллий комитетлари Марказий Комитет аппаратининг масъул ходими А. С. Бухоровга отаси

Саид БУХОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги коллегияси, партия ва касаба союз комитети собиқ Ўзбекистон ССР совхозлар министри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном, республика миқёсидаги шахсий пенсионер, 1940 йилдан КПСС аъзоси

Саид Бухорович БУХОРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этадилар.

Тошкент шаҳар прокуратураси коллективи шаҳар прокурори Ғ. Б. Бухоровга акаси

Саид Бухорович БУХОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент ЛЕНИН проспекти № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 02260. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 56.